Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 27 декабрь, сешанба №187(21.762.) Сотувда эркин нархда.

ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР АСОСИДА



25 декабрь, якшанба... Бу кун мустақил Ўзбекистонимиз тарихида унутилмас саҳифа бўлиб қолади. Чунки, шу куни илк бор мустақиллик шароитида Ўзбекистон Олий Мажлисига ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайлов бўлиб ўтди. Бу сайлов асосий қонунимиз -- Конституцияга, Сайлов тўғрисидаги қонунларга қатъий риоя этилган ҳолда, кўппартиялилик ва демократик тамойиллар, ошкоралик руҳида ўтгани билан ҳам катта сиёсий аҳамиятга моликдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу йилги сайлов илгаригидан фарқли ўлароқ, халқимизнинг сиёсий онги ўсган, ўзининг миллий ғурурини теран англаган вақтда ўтгани билан ҳам аҳамиятлидир. Бу эса сайловнинг кўтаринки руҳда, зўр уюшқоқлик билан ўтишига омил бўлди. Барча фуқаролар сайлов куни мамлакатимизнинг янги парламенти ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига кўрсатилган муносиб номзодлар учун якдиллик билан овоз бериб, ўз хоҳиш-иродасини ифода этди.

Шу куни бошқа сайлов округлари ва участкалари қатори Тошкентдаги 29-Бошлиқ сайлов округининг 629-сайлов участкасига ташриф буюрганлар ҳам бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилди. Мазкур участка Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтининг биносига жойлашган. У байрамона безатилган. Бу ерда сайловга ҳамма нарса тахт қилиб қўйилган.

Сайлов участкаси эрта тонгданоқ сайловчилар билан гавжум бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу куни мазкур сайлов участкасида бўлиб, элимизнинг муносиб фарзандлари учун овоз берди. Сўнгра мамлакатимиз раҳбари сайлов участкаси мутасаддилари, сайловчилар ва меҳмонлар билан суҳбатлашди.

Бу ерда ҳозир бўлган республика ва чет эл мухбирларининг кўплаб саволларига жавоб қайтарди.

-- Бугунги сайлов бизнинг халқимиз, жамиятимиз ва давлатимиз учун, унинг порлоқ келажаги учун катта сиёсий аҳамиятга эгадир, -- деди Ўзбекистон Президенти. -- Чунки, ана шу келажак кўп жиҳатдан ҳозир мамлакатимизда амалга оширилган, оширилаётган ва оширилиши зарур бўлган улкан вазифаларга, уларнинг қўламига, ишларимизнинг пировард натижаларига боғлиқ. Юртимизда моддий фаровонликни таъминлаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, бозор муносабатларига оид қабул қилинган ҳужжатларни ҳаётга тезроқ татбиқ этиш, оддий сўз билан айтганда, халқимизнинг эзгу ниятларини тезроқ ва тўла-тўкис рўёбга чиқариш бўлажак депутатларнинг куч-ғайратига, фидойилиги ва ватанпарварлигига кўп жиҳатдан боғлиқ, деб ўйлайман. Ишончим комилки, бугунги сайловда халқимиз ўзининг конституциявий ҳуқуқидан тўла фойдаланиб, ана шу улуғвор мақсадларнинг амалга оширилиши учун курашадиган ва бу масъулиятли, аммо шарафли йўлда ҳеч қандай қийинчиликлардан қўрқмайдиган муносиб номзодлар учун овоз беради.

Бугунги тарихий воқеанинг улкан аҳамияти яна шундан иборатки, -- деди Ислом Каримов, -- бизнинг жамиятимизда биринчи марта мана шундай очиқ, демократик талабларга ва жаҳон андозасига жавоб берадиган сайлов бўляпти. Ўйлайманки, сайловнинг шундай тарзда ўтказилиши одамларимизнинг сиёсий савиясини, онгини ўстиришда муҳим аҳамият касб этади ва у жаҳон миқёсида Ўзбекистоннинг обрўсини янада оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда рўй бераётган демократик ўзгаришлар, хусусан кўппартиялиликка асосланган бу сайлов жаҳон ҳамжамиятининг ҳам диққат-эътиборини жалб этди. Мазкур сайлов участкасида кузатувчи сифатида қатнашган Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Лии Кларк сайловнинг аҳамияти тўғрисида гапириб, жумладан бундай деди:

-- Мен бу ерга анча барвақт келдим, сайловда кузатувчи сифатида қатнашяпман. Бугунги сайлов мамлакатингизда биринчи марта янги конституцияга мувофиқ, демократик асосда ўтказиляпти. Бу жуда муҳим. Мазкур сайлов нафақат Ўзбекистонда, балки чет элларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ҳа, бу йилги сайлов ўзининг кўппартиялилик ва демократияга асосланганлиги билан бутун жаҳонда юртимиз обрўйини янада оширади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизнинг бошқа жойларидаги каби бу сайлов участкасида ҳам республика Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлигига сайлов зўр уюшқоқлик билан ўтди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкентдаги 29-Бошлиқ сайлов округи 629 - сайлов участкасида бўлиб, номзодларга овоз беришда иштирок этди ва сўнгра маҳаллий ҳамда чет эллик журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.

ОСОЙИШТАЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК САМАРАСИ

Куни кеча мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди. Бу кун қадим она Туркистоннинг қоқ юрагида -- Ўзбекистонда яшаб меҳнат қилаётган одамлар учун ҳақиқий байрамга айланди. Юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида сайлов уюшқоқлик ва фаоллик билан ўтди. Ҳавонинг қиш фаслига хос совуқлигига қарамай, жойлардаги сайлов участкаларига халқ гурос-гурос оқиб кела бошлади. Шу куни фуқароларимиз онгли равишда ўз ишончларига сазовор, оқил ва фидойи, ҳар томонлама эл-юрт оғирини енгил қилишга муносиб номзодларга, бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз истиқболи учун овоз бериб, ўзларининг конституциявий бурчларини бажардилар. Кишиларимизнинг бундай сиёсий фаоллиги, аввало, Президент Ислом Каримов раҳбарлигидаги республикамиз ҳукумати юритаётган ички ва ташқи сиёсатнинг халқ томонидан қўллаб-қувватланаётганини билдиради. Зотан, давлатнинг куч-қуввати, ютуқлари, шаъни фуқароларнинг онгли қўллаб-қувватлаши, ишончи билан баҳоланади.

«Умрим давомида нечта сайловда қатнашдим, -- дейди хоразмлик 90 ёшли отахон Оллоберган Ражабов, -- кимларга овоз бердим -- ёлғиз яратганга аён. Олдинлари рости, ёш пайтимизда ота-онамиз учун «овоз бериб» кетаверардик. Кейинчалик, ўғилларимиз бу вазифани бажариб келди. Чунки у пайтларда танлаш ҳуқуқи йўқ эди. Сен қатнашдинг-қатнашмадинг, овоз бердинг-бермадинг, барибир, ёлғизгина номзод ўз-ўзидан «сайланаверарди».

Оллоберган бобо сайловга қатнашаётган 121-сайлов участкасида 1462 нафар сайловчининг мингдан ортиғи соат эрталабки 11 га қадар овоз беришда иштирок этди. Умуман, Хоразм вилоятидаги 12 та сайлов округида ҳам овоз беришда тенглик ва адолат бош мезон бўлиб хизмат қилди. Сайлов жараёнини кузатган холис кузатувчилар, хорижлик экспертлар сайлов тўғрисидаги қонуннинг бузилиши ҳақида бирон-бир эътироз билдирмагани ҳам бу ҳудудда сайлов юксак савияда ўтганидан дарак беради.

Таъкидлаш лозимки, бу улкан сиёсий тадбир -- миллий мустақиллигимиз даврида кўппартиялилик руҳидаги дастлабки умумхалқ сайловидир. Унинг демократия ва муқобилликка асосланганлиги мамлакатимиз, халқимиз ўзлигимизга хос тараққиёт йўлини танлаб, адолатли жамият, ҳуқуқий, инсонпарвар давлат бунёд этиш сари дадил бораётганидан далолат беради. Қолаверса, энг демократик, энг адолатли сайлов қонунларига асосланиб ўтказилгани ҳам бу сайловнинг ўрни, аҳамияти, мавқеи мисли кўрилмаган даражада буюк эканини тасдиқлайди.

Сурхондарё вилоятида республика Олий Мажлисига, шунингдек, вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов округларида қизғин тайёргарлик ишлари амалга оширилгани сайлов муваффақиятини таъминлади, десак хато бўлмас. 27-Далварзин сайлов участкасида бу ердаги таомилга кўра, оқсоқол Ёдгорхон Баҳромов биринчи бўлиб сайловни бошлаб берди. Сайлов комиссияси аъзолари сайловда илк бор қатнашаётганлар ҳамда кексаларга, айниқса, катта эътибор қаратди. Бетоблиги туфайли сайлов участкасига кела олмаган сайловчилар ҳузурига махсус транспортда сайлов қутичалари юборилди.

Тошкент вилоятида ҳам шу куни сайлов участкалари одамлар билан гавжум бўлди. 156-Оҳангарон сайлов округига қарашли сайлов участкаларида куннинг биринчи ярмидаёқ аҳолининг асосий қисми овоз бериб улгурди. Сайловнинг ошкора ва демократик руҳда ўтишини кузатиш учун сайлов участкаларида холис кузатувчилар ҳозир бўлдилар.

Ўзбекистонда рўй бераётган жами янгиланишлар, демократик ўзгаришлар сингари сайлов кампанияси ҳам жаҳон ҳамжамияти ўртасида зўр қизиқиш уйғотди. Хорижий даволатларнинг республикамиздаги элчихоналари вакиллари, халқаро ташкилотлардан вакил бўлиб келган холис экспертлар юртимизда ўтган очиқ ва одил сайловни қизиқиш билан кузатдилар.

Шу ўринда, 25 декабрь куни Наманганда бўлиб, сайловчиларнинг овоз бериш жараёнини яқиндан кузатган Америка Қўшма Штатлари элчихонасининг иккинчи котиби Жейнс Мартиннинг эътирофи диққатга моликдир. «Ҳар қандай муҳим ва файзли ишни кечга қолдирмай, саҳардан бошлаш халқингизга одат эканини аввалдан яхши билсам-да, фуқароларингиздаги бу қадар сиёсий фаоллик мени беҳад қувонтирди, -- дейди жаноб Мартин тонг қоронғусидаёқ сайлов участкаси томон келаётган кишилар оқимини ҳайрат ила кузатиб. -- Шунингдек, жойларда сайлов ўтказиш бўйича ташкилий ишлар ҳам яхши йўлга қўйилган. Шаҳардаги бир неча сайлов участкаларини бориб кўргач, сайлов ишларига мутасаддил кишиларнинг меҳнатига офарин дегим келди».

Республикамиздаги сайлов округ ва участкаларида бўлиб, сайловга тайёргарлик ҳамда овоз бериш жараёнини кузатган бошқа хорижлик кузатувчиларнинг ҳам ҳайрати бундан кам эмас. «Фарғона ва Қувадаги бир неча сайлов участкаларида бўлдик, -- дейди малайзиялик холис кузатувчилар Ҳошим Исмоил ҳамда Азми Сулаймон. -- Бугунги сайловлар республикангизда чинакам демократик, эркин ва озод жамият барпо этилаётганлигидан шаҳодатдир. Биз сайловга жуда катта ҳозирлик кўрилганига гувоҳ бўлдик». Яна бир холис кузатувчи -- Россия давлат думаси федерал кенгаши депутати Игор Муксинов эса юртимиз фуқароларининг фаоллигидан ҳайрон. «Афсуски, Россияда демократик сайловлар бу қадар халқ сайлига айланиб кетмаган. Бизда фуқароларимиз сайловда иштирок этишдан бош тортган ҳоллар ҳам бўлган. Ўзбекистондаги тинч-тотувлик, кейинги йилларда қилинган ижобий ўзгаришлар, янги ва пухта конституциянгиз сайлов жараёнининг уюшқоқлик билан, чинакам демократия тамойилларига мос равишда ўтишига ёрдам берди».

Шу куни сайлаш ҳуқуқига эга бўлган барча фарғоналиклар сайловда фаол қатнашиб, муносиб номзодлар учун овоз бердилар.

Ўзбекистон Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Сирдарё, Қашқадарё вилоятларида ҳам фуқароларнинг ғоят фаоллиги ва уюшқоқлик вазиятида ўтди.

Мамлакатимизда мазкур эркин, демократик сайловда халқимизнинг иродасини тўла-тўкис ифодалаш учун ҳамма ишлар қилинди. Сайловни ўтказиш бўйича мутасаддилар томонидан депутатликка номзодларнинг сайловолди фаолияти учун қонун доирасида тенг ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб берилди. Депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари барча жойларда жонли ва мароқли ўтди. Номзодлар ўз сайловолди режалари билан сайловчиларни тўла таништириш, улар билан эркин мулоқот қилиш имконига эга бўлдилар. Натижада сайлов кунигача сайловчиларнинг аксарият қисми қайси номзод учун овоз беришни яхши билиб олдилар.

Самарқанд вилоятидаги сайловчиларнинг фаоллиги юқоридаги фикримизни яна бир карра исботлайди. Бу ерда сайлов тадбири юзасидан кўрилган тайёргарлик ишлари натижаси ўлароқ сайловчиларнинг 80 фоизи куннинг биринчи ярмида ўз номзодлари учун овоз бериб, сайловда иштирок этди. «Мен халқимиз, Ватанимиз учун муносиб хизмат қила оладиган номзод учун овоз беришга аҳд қилдим», -- дейди самарқандлик энг ёш сайловчи Дилафрўз Хушвақтова. 87 яшар сайловчи -- уруш қатнашчиси Равшан бобо Шодиев эса янги сайловни Ватанни севишга, унинг қадрига етишга ўргатувчи тарбия мактаби, деб ҳисоблайди.

Умуман, мамлакатимизда Олий Мажлис ва маҳаллий кенгаш депутатлигига сайловлар кўтаринки руҳда, ҳамжиҳатлик ва якдиллик вазиятида ўтди. Халқимиз жонкуяр ва ватанпарвар фарзандлари учун овоз бериб, ўзларининг фуқаролик бурчларини адо этдилар. Айни пайтда, кишиларимиз Ўзбекистон ҳукумати юритаётган ички ва ташқи сиёсатни қўллаб-қувватлаётганини яна бир карра амалда исботладилар.

25 декабрь куни Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида -- бир қанча хорижий давлатлардаги элчихоналаримизда ҳам сайлов бўлиб ўтди. Хорижда хизмат қилаётган фуқароларимиз юртимизнинг энг муносиб фарзандлари учун овоз бердилар.

(ЎзА.)

ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов 26 декабрь куни Республика Вазирлар Маҳкамасида Тожикистон Республикаси Бош вазири Жамшид Каримов раҳбарлигидаги расмий делегация аъзолари билан учрашди.

Суҳбат чоғида икки қардош республика ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. 1995 йилдаги ўзаро ҳамкорлик истиқболлари белгилаб олинди.

Учрашувда Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари Қ. Ҳаққулов иштирок этди.

(ЎзА)

ЛАТВИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ТОШКЕНТДА ТЎХТАБ ЎТДИ

23 декабрда Латвия Президенти Гунтис Улманис ХХРдан ватанига қайта туриб Тошкентда тўхтаб ўтди.

Аэропортда юксак меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков кутиб олди. Дустона суҳбат чоғида Г. Улманис ўзининг ХХРга расмий ташрифи якунлари тўғрисида сўзлаб берди. Томонлар Ўзбекистон—Латвия муносабатларининг ҳозирги аҳволи ва истиқболи хусусида фикрлашиб олдилар.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1994 ЙИЛ 23 ДЕКАБРДАГИ ФАРМОНИГА 1-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПАСПОРТ ТИЗИМИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом паспорт бериш ва ундан фойдаланишни, қайд этиш, рўйхатга олиш ва рўйхатдан чиқаришни, шунингдек паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ва унинг эгаси шахсини тасдиқловчи асосий ҳужжатдир.

Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшга тўлган барча фуқароларида Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти бўлиши шарт. Ҳарбий хизматчилар бундай паспортсиз яшайдилар. Ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан бериладиган шахсий гувоҳномалар ва ҳарбий билетлар ҳарбий хизматчи шахсини тасдиқловчи ҳужжатлардир.

Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган ҳужжатлар асосида яшайдилар.

3. Паспорт хорижга жўнаб кетиш чоғида ҳам амал қилади. Хорижга жўнаб кетаётган фуқаролар учун Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда расмийлаштирилади.

4. «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти:

-- «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилингунига қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган шахсларга;

-- «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига ўтган шахсларга берилади.

5. Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари беради.

Ўзбекистон Республикасининг хорижда доимий яшайдиган фуқароларига, шунингдек «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига ўтган шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси бериши мумкин.

6. Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти бутун Ўзбекистон республикасида ягона намунада ўзбек, рус, инглиз тилларида, Қорақалпоғистон Республикаси учун эса, қорақалпоқ, ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрланади ва 32 бетдан иборат бўлади.

7. Паспортга ўзбек, рус, инглиз тилларида фуқаронинг шахси тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар ёзилади:

-- фамилияси, исми, отасининг исми;

-- туғилган куни, ойи, йили;

--туғилган жойи;

-- миллати;

-- жинси;

-- идентификация рақами;

Паспортга фуқаронинг миллати тўғрисидаги ёзув унинг ота-онаси миллатига қараб киритилади. Агар фуқаронинг ота-онаси турли миллатга мансуб бўлса, биринчи марта паспорт берилаётганда паспорт олувчининг ихтиёрига кўра отаси ёки онасининг миллати танлаб олинади. Кейинчалик миллат тўғрисидаги ёзув фуқаронинг ёки унинг ота-онасининг ариза-сасига мувофиқ отаси ёки онасининг миллатига алмаштирилиши мумкин, аммо фақат бир марта ўзгартирилади. Паспортда унинг эгасининг имзоси, паспорт берган масъул шахс имзоси бўлиши, шунингдек паспорт берилган вақт ва амал қилиш муддати кўрсатилиши лозим. Шунингдек паспортга:

-- Болаларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, куни, ойи;

-- ҳарбий хизматга муносабати тўғрисидаги;

-- никоҳдан ўтиш ва никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги;

-- паспорт эгасининг истиқомат жойи ҳақидаги;

-- визалар ҳақидаги маълумотлар ёзилади.

Фуқароларнинг розилиги билан уларнинг паспортига паспорт эгаларининг қони гуруҳи ва резуси тўғрисидаги белгилар қўйилади. Фуқаронинг паспортига ушбу Низомда кўзда тутилмаган ёзувларни киритиш тақиқланади.

8. Фуқаро паспортига ёзувларни:

-- Ушбу Низомнинг 7-бандида кўрсатилган маълумотларни -- ички ишлар органлари;

-- ҳарбий хизматга муносабати ҳақидаги маълумотларни -- мудофаа ишлари органлари;

-- Балоғатга етмаган болалар, никоҳни қайд этиш ва никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги ёзувларни -- фуқаролик ҳолатини қайд этиш органлари;

-- паспортнинг хорижда амал қилиш муддати, бирга жўнаб кетаётган балоғатга етмаган болалар тўғрисидаги ёзувларни -- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасалари;

-- истиқомат жойи тўғрисидаги ёзувни -- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;

-- қон гуруҳи ва резуси ҳақидаги белгини -- соғлиқни сақлаш муассасалари киритади.

9. 16 ёшга тўлган шахсга паспорт берилади ва у 25 ёшга тўлгунига қадар ҳақиқий ҳисобланади.

фуқаролар 25 ёшга ва 45 ёшга тўлганда ички ишлар органлари уларга янги паспорт беради, унга олдинги паспортдаги маълумотларнинг янги паспорт бериш вақтида ҳақиқий бўлганлари киритилади.

45 ёшга тўлган фуқаролар паспортининг амал қилиш муддати чекланмайди.

Хорижда паспорт унда кўрсатилган муддатда ҳақиқий ҳисобланади.

10. Қуйидагилар паспорт тизими қоидаларига риоя этилиши учун масъулдир:

Уй-жойлардан фойдаланиш идораларининг, уй-жой-коммунал идоралари (бўлимлар)нинг бошлиқлари;

уй бошқарувчилари, уйлар ва ётоқхоналарнинг комендантлари, уй-жой-қурилиш ва дала ҳовли-қурилиш кооперативларининг, маҳалла қўмиталарининг раислари;

меҳмонхоналар, санаторийлар, пансионатлар ва туристлар базалари, қариялар ва ногиронлар уйлари, шифохоналар, болалар интернат уйлари ҳамда яшаб турган фуқаролар қайд этилиши ёки рўйхатдан ўтиши лозим бўлган шундай муассасалар директорлари (мудирлари);

Уй эгалари ёки тасарруфида уй-жой бинолари, хоналар бўлган бошқа шахслар.

11. Паспорт тизими қоидалари бажарилишини ҳокимликлар ва ички ишлар органлари назорат қилади.

II. ПАСПОРТ БЕРИШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

12. Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорт олиш чоғида илгари олган паспортини истиқомат жойидаги ички ишлар органига, хорижда доимий яшайдиган ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига ўтган фуқаро эса Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатия ваколатхонасига ёки кон-

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПАСПОРТ ТИЗИМИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

суллик муассасасига топширишга мажбурдир.

Паспортни фуқаролар истиқомат жойидаги ички ишлар органлари ёхуд Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатия ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари беради ва алмаштиради.

13. Фуқаро паспорт олиш учун:

-- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги белгилаган шаклдаги аризани;

-- илгари олинган паспортни;

-- туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани (биринчи марта паспорт олиш чоғида);

-- иккита 35х45 миллиметр катталикдаги қора-оқ ёки рангли фотосуратни;

-- зарур бўлган тақдирда шахсини ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатларни тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидан бўшатилган ҳарбий хизматчилар (зобитлар, прапоршиклар, мичманлар)га паспорт ҳарбий билет ва шахсий гувоҳнома асосида берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинган шахсларга, шунингдек Ўзбекистон Республикасига -- Ватанига қайтиб келган шахсларга паспорт белгиланган ҳужжатлар асосида берилади.

14. Паспортнинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг фуқаро ички ишлар органига паспорт ва 35х45 миллиметр катталикдаги ёшига мос келадиган оқ-қора ёки рангли иккита фотосурат тақдим этиши шарт.

15. Қуйидаги ҳолларда паспорт алмаштирилади:

-- фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарганида;

-- миллатини ўзгартирганда;

-- ёзувдаги ноаниқлик аниқланганда;

-- виза учун мўлжалланган варақлар тўлганда;

-- фойдаланишга яроқсиз ҳолга келганда.

16. Паспортни алмаштириш учун:

-- белгиланган шаклдаги ариза;

-- алмаштирилиши лозим бўлган паспорт;

-- 35х45 миллиметр катталикдаги иккита оқ-қора ёки рангли фотосурат топширилади.

Фамилияси, исми, отасининг исмини ўзгартиш, миллатини ўзгартиш ёки ёзувдаги ноаниқликка аниқлик киритиш мақсадида паспортни алмаштириш учун шу ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади.

17. Фуқаро тегишли ёшга тўлгандан сўнг ёки фамилияси, исми, отасининг исмини ўзгартирган, ёзувдаги ноаниқлик аниқланган ва паспорт фойдаланиш учун яроқсиз бўлгандан сўнг бир ой муддатдан кечиктирмай паспорт олиш ёки уни алмаштириш учун ҳужжатларни ва фотосуратларни тақдим этиши керак.

18. Ички ишлар органлари ёки Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатия ваколатхоналари ёхуд консуллик муассасалари томонидан алмаштириш тарзида ёки йўқолган паспорт ўрнига бериладиган паспортга балоғатга етмаган болалар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, никоҳ қайд этилгани, доимий истиқомат жойи тўғрисидаги белгилар киритилиши керак.

19. Паспорт бериш ва хорижга чиқишни расмийлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган миқдорда давлат пошлинаси (бож) олинади. Тўла давлат таъминотида бўлган шахслар пошлина тўлашдан озод қилинади.

20. Фуқаро паспортни авайлаб асраши шарт. Паспорт йўқолгани ҳақида фуқаро ички ишлар органларига ёки Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатия ваколатхонасига ёхуд консуллик муассасасига дарҳол хабар қилишга мажбурдир. Улар эса фуқаронинг илтимосига биноан белгиланган намунадаги маълумотнома беради. Маълумотнома шаклини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги белгилайди.

Фуқаро паспортини йўқотган тақдирда унга ушбу Низомда белгиланган тартибда паспорт йўқолгани ҳақида ариза берган кундан бошлаб бир ой ичида янги паспорт берилади.

21. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиққан шахс паспортини ички ишлар органларига ёки Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатия ваколатхонасига ёхуд консуллик муассасасига топшириши шарт.

Фуқаролар ҳарбий хизматга чақирилганда уларнинг паспортлари хизматни ўташ даврида сақлаш учун хизматга чақирилиш жойидаги мудофаа ишлари органларига, ҳарбий ўқув юртларига қабул қилинганда эса, кейин ички ишлар органларига юбориш учун шу ўқув юртига топширилади.

Вафот этганларнинг паспортлари фуқаролик ҳолатини қайд этиш органларига ёки Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатия ваколатхонасига ёхуд консуллик муассасасига топширилади, улар эса ўлим рўйхатга олинганидан сўнг бир ой муддатдан кечиктирмай ички ишлар органларига юборади.

Топиб олинган паспорт ички ишлар органларига ёки Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатия ваколатхонасига ёхуд консуллик муассасасига топширилиши лозим.

22. Қамоққа олинган, шунингдек озодликдан маҳрумликка, қамоқ жазосига маҳкум этилган шахслар паспорти текшириш, дастлабки тергов органлари ёки суд томонидан олиб қўйилади. Қамоқдан озод қилингандан ёки жазони ўтаб бўлганидан сўнг паспорт эгасига қайтарилади. Паспорт ундан иш жойидаги чеклашлар олиб ташлангандан сўнг қайтарилиб берилади.

23. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилганидан ташқари ҳолларда фуқаронинг паспортини тортиб олиш, шунингдек паспортни гаров тариқасида қолдириш ва гаровга олиб қолиш тақиқланади.

24. «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом»ни амалга ошириш учун зарур бланкалар, штамплар намуналарини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги белгилайди.

25. Паспорт олишда керак бўладиган бланкалар ва «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом»ни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа бланкалар учун уларнинг амалдаги қиймати миқдорида ҳақ олинади.

Ш. ҚАЙД ЭТИШ, РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА РЎЙХАТДАН ЧИҚАРИШ

26. Фуқаролар доимий истиқомат жойида ёки вақтинча истиқомат жойида қайд этилади (рўйхатга олинади).

Қайд этиш (рўйхатга олиш):

--паспортга эга бўлган фуқароларни -- паспорти бўйича;

-- 16 ёшга тўлмаган, ота-онасидан (васийлардан) алоҳида яшайдиган болаларни -- туғилиш гувоҳномаси бўйича;

-- Казармалардан, кемалардан ташқарида яшовчи ҳарбий хизматчиларни -- ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар томонидан берилган маълумотномалар бўйича;

-- Хорижда доимий яшайдиган, вақтинча ва доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикасига келган хорижий фуқаролар ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни -- хорижий паспортлари ёки Ўзбекистон Республикасида яшаш учун берилган гувоҳномалари бўйича амалга оширилади.

16 ёшга тўлмаган, ота-оналари (васийлари) билан бирга яшайдиган болалар улар ҳақидаги маълумотларни ота-онадан бирининг (васийнинг) тегишли ҳужжатига киритиш билан қайд этилади.

Бир жойдан иккинчи жойга олти ойдан кўп муддат ва вақтинча яшаш учун келган фуқаролар вақтинча қайд этилади, олти ойгача муддатга келганлар эса, паспортига белги қўйилмаган ҳолда белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

27. МДҲнинг бошқа давлатларидан келган фуқаролар умумий асосда қайд этилади.

28. Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар қонунда белгиланган тартибда қайд этилади (рўйхатга олинади).

29. Истиқомат жойини ўзгартираётган, шунингдек олти ойдан ортиқ муддат вақтинча яшаш учун бошқа жойга таътилга, дала ҳовлига, дам олиш ёки даволаниш учун кетаётган (хизмат сафарига кетаётганлардан ташқари) фуқаролар жўнаб кетишдан олдин истиқомат жойидаги рўйхатдан чиқишлари шарт.

30. Шаҳарларда, туманларда, шаҳарчаларда, шунингдек чегара зонасида жойлашган қишлоқларда фуқароларни қайд этиш (рўйхатга олиш) ва рўйхатдан чиқариш билан ички ишлар органлари, қишлоқ жойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари шуғулланади.

31. Қайд эттириш (рўйхатдан ўтиш) учун фуқаролар:

-белгиланган шаклдаги ариза;

-Паспорт ёки ушбу Низомнинг 26-бандида кўзда тутилган ҳужжатлардан бирини;

-ҳарбий ҳисобга олиш ҳужжатларини тақдим этади.

Чегара зонасида жойлашган аҳоли пунктларида қайд эттириш ёки рўйхатдан ўтиш учун истиқомат жойидаги ички ишлар органидан чегара зонасига бориш учун белгиланган тартибга мувофиқ олинган шу зонага боришга ижозатнома ҳам тақдим этилади.

32. Қайд этиладиган (рўйхатга олинадиган) фуқаролар етиб келган кундан бошлаб уч кун муддатда паспорт ишларини юритишга ваколатли шахсларга қайд этиш (рўйхатга олиш) ҳужжатларини тақдим этишлари шарт. Рўйхатдан чиқиш учун ҳужжатлар рўйхатдан чиқадиган жойдаги шундай шахсларга топширилади.

Фуқаролардан олинган ҳужжатлар уч кун ичида қайд этиш (рўйхатга олиш) ва рўйхатдан чиқариш билан шуғулланувчи органга топширилиши зарур.

33. Шаҳарларда, шаҳарчаларда, қишлоқ жойларида уй-жой майдони қанчалигидан қатъи назар, қуйидагилар қайд этилади:

-- Эр-хотин бир-бирининг уй-жой майдонига;

-- балоғатга етмаганлар ва васийликдаги шахслар -- ота-она ва васийларнинг уй-жой майдонига;

-- оила қурмаган ёки никоҳдан ўтмасдан туриб балоғатга етмаган фарзандлари бўлган катта ёшдаги фарзандлар -- ота-оналарининг уй-жой майдонига;

-- ота-оналар -- фарзандларининг уй-жой майдонига;

-- балоғатга етмаган, ота-онаси бўлмаган туғишган ака-ука, опа-сингиллар, шунингдек маҳнатга лаёқатсиз туғишган акаукалар, опа-сингиллар, агар уларнинг ўз оилалари бўлмаса, ёшидан қатъи назар -- акаси, укаси, опаси, сингилисининг уй-жой майдонига;

-- илгари мазкур аҳоли пунктида яшаган, меҳнат шартномаси билан ишлаш ёки якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун вақтинча бошқа жойга кетган шахслар, шунингдек амалдаги қонунчиликка мувофиқ вақтинча бошқа жойга кетганда уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қоладиган фуқаролар -- олдинги истиқомат жойига ёки қариндошларининг уй-жой майдонига;

-- озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ўтаётган ёки қамоқдан озод қилинган шахслар -- олдинги истиқомат жойига, ҳукм чиққунга қадар яшаб турган жойидаги ўз оила аъзоларининг, қариндошлари ёки бошқа шахсларнинг уй-жой майдонига;

-- муддатли хизмат тугаганидан сўнг Қуролли Кучлар сафидан бўшатилган ҳарбий хизматчилар, агар улар ҳарбий хизматга ушбу аҳоли пунктидан чақирилган бўлса, -- олдинги истиқомат жойига, ёки ота-онаси, ёхуд бошқа қариндошларининг уй-жой майдонига;

-- зобитлар сафидан захирага ёки истеъфога чиққан шахслар, прапоршиклар, мичманлар ва Қуролли Кучларнинг, ички қўшинлар ва миллий хавфсизлик хизматининг муддатга қўшимча хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилари, Ички ишлар вазирлигининг бошлиқлар ва оддий ходимлари сафида бўлган шахслар (оила аъзолари билан) -- захирага ёки истеъфога чиққанларнинг ота-онаси ёки рафиқаси ёхуд белгиланган тартибда уй-жой олгунга қадар -- бошқа шахсларнинг уй-жой майдонига;

-- Ҳақиқий ҳарбий хизматда муддатга қўшимча хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар, Қуролли кучларнинг, миллий хавфсизлик хизмати органларининг, чегара қўшинлари ва ички қўшинларнинг прапоршиклари, мичманлари ва зобитлари, Ички ишлар вазирлигининг бошлиқлар сафига кирувчи шахслар (оила аъзолари билан) -- белгиланган тартибда уй-жой олгунга қадар бошқа шахслар ёки ҳарбий қисмнинг уй-жой майдонига ёки ҳарбий қисм, ҳарбий ўқув юрти, ёхуд Мудофаа вазирлигининг, миллий хавфсизлик хизматининг ва Ички ишлар вазирлигининг ўзга ташкилотлари жойлашган ерга;

-- зобитлар сафидаги шахсларнинг, прапоршикларнинг, мичманларнинг, муддатга қўшимча хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари -- ҳарбий хизматчи янги хизмат жойида уй-жой олгунига қадар -- ҳарбий хизматчиларнинг қариндошлари ёки турмуш ўртоғининг қариндошлари, ёхуд бошқа фуқароларнинг уй-жойига;

-- ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари, талабалар, аспирантлар, докторантлар, белгиланган тартибда олий ёки ўрта махсус ўқув юрти қаторига киритилган ўқув юртларининг адъюнктлари, ординаторлари, илмий тажриба ошириш-га келган шахслар, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ёки малака ошириш курсларининг тингловчилари, шунингдек уларнинг оила аъзолари -- ўқиш даврида ўқув юртларининг, идораларнинг, қариндошлари ва бошқа шахсларнинг уй-жой майдонига;

-- Фаолияти доимий ҳаракат билан боғлиқ шахслар (кема экипажларининг аъзолари, геология-қидирув партияларининг, экспедицияларнинг ходимлари ва шу кабилар) -- иш вақтида тегишли кемачилик, бошқарма, геология-қидирув партиялари, экспедициялари асосий базаларининг, қурилиш-монтаж, ишга тушириш-созлаш ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар жойлашган манзилга;

-- ҳокимликларга, шунингдек ички ишлар органларига асос мавжуд бўлган тақдирда мазкур низомда кўзда тутилмаган ҳолларда ҳам фуқароларнинг ички ишлар органларида қайд этилишига рухсат қилиш ҳуқуқи берилади.

34. Қайд этиш ва рўйхатдан чиқариш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган миқдорда ҳақ олинади.

35. Чегара зонасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва бошқа шахсларнинг истиқомат жойини танлашида чеклашлар қўйилади. Ушбу бандда белгиланган чеклаш амал қиладиган жойларда қайд этиш (рўйхатга олиш) рухсат берилмаган шахслар бу ерларда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ишга олиниши мумкин эмас. Фуқароларнинг мазкур жойларда вақтинча бўлиши тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ республиканинг айрим жойларида фуқароларнинг саломатлиги ва хавфсизлигини (табиий офатлардан, эпидемиялардан, катта авариялар, фалокатлар, оммавий тартибсизликлар ва шу кабилардан) сақлаш мақсадида бу жойларда фуқароларнинг бўлиши вақтинча чеклаб қўйилиши мумкин.

36. Хусусийлаштирилган уй-жой ва хусусий мулк тарзида ўзига тегишли уй эгалари ўз оила аъзоларини, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни ўзига қарашли уй-жойда яшашини қайд эттиришга ҳақлидирлар.

37. Суднинг фуқарони яшаб турган уйидан кўчириб юбориш ёки бундай иморатдан фойдаланиш ҳуқуқи ўз кучини йўқотгани ҳақидаги ажрими қонуний кучга кириши муносабати билан фуқаронинг яшаш жойига қайд этилиши бекор қилиниши лозим.

Фуқаролар ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тақдим этган ва шу маълумотлар қайд этишга (рўйхатга олишга) асос бўлган тақдирда, мансабдор шахслар қайд этиш (рўйхатга олиш) масаласини ҳал қилиш чоғида ғайриқонуний ҳаракат қилганда ва қайд этиш (рўйхатга олиш) тартиби ва шартлари бузилган бошқа ҳолларда уларнинг уй-жойга қайд этилгани (рўйхатга олингани) ҳолати бекор қилиниши мумкин.

38. Машғулоти тури доимий ҳаракатда бўлиш билан боғлиқ шахслар (экипажлар, кемалар аъзолари, геология-қидирув партияларининг ходимлари ва шу кабилар) ташкилот жойлашган манзилда қайд қилинади (рўйхатга олинади) ва чиқарилади.

39. Озодликдан маҳрум этишга ёки қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар шу шахслар хусусида чиқарилган ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг қайд (рўйхат)дан чиқарилади.

40. Вафот этганлар ўлим рўйхатга олингандан сўнг қайд этишдан чиқарилади.

41. Қайд этиш (рўйхатдан ўтиш) учун лозим бўлган аризалар, уй дафтарлари, манзил варақалари шаклини ҳамда [illegible]ароларни қайд этиш ([illegible]дан ўтказиш) ва қайд[illegible] чиқариш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги белгилайди. Фуқароларга бериладиган уй дафтари учун уларнинг амалдаги қиймати миқдорида ҳақ олинади.

IV. ПАСПОРТ ТИЗИМИ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

42. Фуқаролар:

-- Паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан, шунингдек қайд эттирмай ёки рўйхатдан ўтмай яшаганлик учун, паспортни атайлаб яроқсиз ҳолга келтиргани ҳамда паспортни авайлаб сақламай уни йўқотгани, паспортлардан ғаразли мақсадларда фойдаланганлик учун:

-- паспорт тизими қоидаларига риоя қилинишига масъул бўлган шахслар фуқароларнинг паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан ёхуд қайд этмай ёки рўйхатдан ўтмай яшашига йўл қўйгани учун, шунингдек фуқаролар ўзлари эгаллаб турган уй-жой биноларида паспортсиз шахсларнинг қайдсиз ёки рўйхатдан ўтмай яшашига йўл қўйгани учун;

-- мансабдор шахслар паспортсиз ёки паспорти ҳақиқий бўлмаган фуқароларни, шунингдек қайдсиз (рўйхатдан ўтмай) яшаётган фуқароларни ишга қабул қилгани учун;

-- мансабдор шах[illegible]ар фуқароларнинг паспортини асоссиз олиб қўйгани ёки паспортни гаровга олиб қолгани учун;

-- чегара зонасига кириш ёки унда яшаш қоидаларини бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1994 ЙИЛ 23 ДЕКАБРДАГИ ФАРМОНИГА 2-ИЛОВА

ХОРИЖИЙ ШАХСЛАРГА, ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЯШАШ УЧУН ГУВОҲНОМА ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХС ГУВОҲНОМАСИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Хорижий шахсларга Ўзбекистон Республикасида яшаш учун бериладиган гувоҳнома ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасида яшаш учун бериладиган гувоҳнома уларнинг шахсларини тасдиқловчи ҳужжатлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида яшаш ҳуқуқини берадиган ҳужжатлар ҳисобланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси доирасида ҳақиқийдир. Фуқаролиги бўлмаган шахснинг гувоҳномаси хорижда унинг эгаси шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикасида яшаш учун берилган гувоҳнома бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий истиқомат қилувчи ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўлмаган қуйидаги шахслар яшайдилар:

-- хорижий давлат фуқаролигига мансублигининг исботига эга бўлган шахслар;

-- бошқа давлатнинг фуқаролигида бўлмаган шахслар.

3. Ўзбекистон Республикасида яшаш учун гувоҳномалар қуйидагиларга берилади:

-- 16 ёшга тўлган хорижий фуқароларга ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга;

-- қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан маҳрум деб топилган шахсларга;

-- қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиққан шахсларга.

4. Хорижий шахсларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга яшаш учун гувоҳномалар ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномалари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари томонидан хорижий фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахс доимий истиқомат қиладиган жойда берилади.

5. Фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномалари Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат қилувчи вақтинча чет элга жўнаб кетувчи фуқаролиги бўлмаган шахсларга берилади.

II. ХОРИЖИЙ ШАХСЛАРГА ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЯШАШ УЧУН ГУВОҲНОМАЛАРДАГИ ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХС ГУВОҲНОМАСИДАГИ ЁЗУВЛАР, УЛАРНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

6. Хорижий шахсларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга яшаш учун бериладиган гувоҳномалар, фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномалари ҳимоя воситалари бўлган махсус бланкаларда тайёрланади, Ўзбекистон Республикасининг гербига эга бўлади. Яшаш учун гувоҳномалар 16 варақдан, фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномалари эса 8 варақдан иборат.

7. Хорижий шахсларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга яшаш учун бериладиган гувоҳномалар, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномалари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари томонидан ўзбек, рус, инглиз тилларида тўлдирилади. Ҳужжатларга қуйидаги маълумотлар киритилади:

Хорижий шахслар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга яшаш учун бериладиган гувоҳномаларда:

-- фамилияси, исми, отасининг исми;

-- туғилган йили, куни, ойи;

-- туғилган жойи;

-- миллати;

-- Ўзбекистон Республикасига келган кунидаги фуқаролиги;

-- оилавий аҳволи;

-- Ўзбекистон Республикасига келган куни;

-- келишдан мақсади;

-- яшаш учун гувоҳнома ким томонидан ва қачон берилгани;

-- яшаш учун гувоҳнома қандай ҳужжатларга асосланиб берилгани;

-- яшаш учун гувоҳноманинг амал қилиш муддати тўғрисида;

-- фарзандлари ҳақида;

-- яшаш учун гувоҳнома муддатини узайтириш тўғрисида;

-- яшаш учун рухсат бериш ҳақида;

-- яшаш жойида қайд этиш (прописка) ҳақида;

-- алоҳида белгилар (қон резуси ва ҳоказолар);

-- Ўзбекистон Республикасида яшаш учун гувоҳномага эслатма;

Фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасида:

-- фамилияси, исми, отасининг исми;

-- туғилган йили ва жойи;

-- фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси ким томонидан ва қачон берилгани;

-- бораётган мамлакати тўғрисида;

-- биргаликда бораётган фарзандлари ҳақида;

-- виза (рухсатнома)лар ҳақида;

-- фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасининг амал қилиш муддати тўғрисида.

Фуқароларнинг розилиги билан, яшаш учун бериладиган гувоҳномаларда соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан яшаш учун гувоҳнома эгаси қонининг гуруҳи ва қандай резуса мансублиги тўғрисида белгилар қўйилади.

8. Хорижий шахсларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга яшаш учун бериладиган гувоҳномаларда, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахснинг гувоҳномасида катталиги 35х45 мм, қора-оқ ёки рангли тасвирдаги фотосуратлар, ҳужжатлар эгасининг ва уни берган масъул шахснинг имзолари бўлиши лозим.

9. Хорижий шахсларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга яшаш учун гувоҳномалар 5 йил муддат билан ёки муддатсиз берилади. Фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси 2 йил муддатга берилади.

III. ХОРИЖИЙ ШАХСЛАРГА ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРГА ЯШАШ УЧУН ГУВОҲНОМАЛАРНИ ҲАМДА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХС ГУВОҲНОМАСИНИ БЕРИШ УЧУН АСОСЛАР ВА УНИНГ МУДДАТЛАРИ

10. Хорижий шахслар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга яшаш учун гувоҳномаларни ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини олиш учун доимий истиқомат жойида ички ишлар органларига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади;

А) Яшаш учун гувоҳнома олишга;

-- Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан белгиланган шаклдаги ариза;

-- ҳақиқий миллий паспорт;

-- фуқароликдан чиққанлик тўғрисида ваколатли органлар томонидан берилган ҳужжат;

-- туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (биринчи марта олинаётган тақдирда);

-- яшаш учун олинган аввалги гувоҳнома;

-- катталиги 35х45 мм бўлган қора-оқ ёки рангли тасвирдаги 5 та фотосурат;

-- оила аъзолари кўрсатилган ҳолда яшаш жойидан маълумотнома;

-- никоҳ ҳақидаги гувоҳнома (қайд этилган никоҳдан ўтилган тақдирда);

Б) Фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини олишга:

-- Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан белгиланган шаклдаги ариза;

-- фуқаролиги бўлмаган шахснинг яшаш учун гувоҳномаси.

11. Қуйидаги ҳолларда фуқаролиги бўлмаган шахснинг гувоҳномаси ва яшаш учун берилган гувоҳномалар алмаштирилади:

-- фамилияси, исми, отасининг исми ўзгартирилганда;

-- ёзувларда чалкашликлар аниқланганда;

-- яшаш жойида қайд этиш -- ундан ўчиш (визалар) ҳақидаги белгилар учун мўлжалланган варақлар тугаганда;

-- фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолганда.

12. Яшаш учун гувоҳномаларни ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини алмаштириш ҳамда яшаш учун гувоҳномаларнинг амал қилиш муддатларини узайтириш учун қуйидагилар тақдим этилади:

-- белгиланган шаклдаги ариза;

-- фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси;

-- катталиги 35х45 мм бўлган қора-оқ ёки рангли тасвирдаги 5 та фотосурат;

-- ҳақиқий миллий паспорт.

Фамилияси, исми, отасининг исми ўзгартирилиши муносабати билан ёки ёзувлардаги чалкашликларни аниқлаш туфайли алмаштириш учун бундай ҳолларни тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам тақдим этилади.

13. Фуқаро яшаш гувоҳномасини олиш ёки алмаштириш учун ҳужжатлар ва фотосуратларни тегишли ёшга тўлгандан ёки фамилияси, исми, отасининг исми ўзгартирилгандан, ёзувлардаги чалкашликлар ҳамда яшаш учун гувоҳномаларнинг фойдаланишга яроқсизлиги аниқлангандан кейин бир ойдан кечикмай тақдим этиши керак.

14. Алмаштириш тартибида ёки йўқотилгани ўрнига яшаш учун бериладиган гувоҳномага ички ишлар органлари томонидан балоғатга етмаган болалар тўғрисидаги маълумотлар киритилиши, шунингдек никоҳ қайд этилганлиги ҳақидаги белгилар қўйилиши лозим.

15. Вафот этган кишининг яшаш учун гувоҳномаси ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш органларига топширилади, бу органлар уни ўлим қайд этилгандан кейин истиқомат жойларидаги ички ишлар органларига юборадилар.

16. Ҳибсга олинган, шунингдек озодликдан маҳрум этишга ёки қамоққа ҳукм қилинган шахсдан яшаш гувоҳномаси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси суриштирув, дастлабки тергов ёки суд органи томонидан олиб қўйилади ва унинг истиқомат жойидаги ички ишлар органига юборилади. Ҳибсдан озод қилинганда ёки жазони ўтаб бўлгандан кейин яшаш гувоҳномаси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси унинг эгасига қайтарилади.

17. Яшаш гувоҳномасини ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини бериш ҳамда унинг амал қилиш муддатини узайтириш учун Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган миқдорда ҳақ ундириб олинади.

18. Ўзбекистон Республикасида яшаш учун гувоҳномалар ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси тўғрисидаги Низомнинг амал қилиши учун зарур бўлган гербли ва визали муҳрларнинг, штамплар, бланкларнинг намуналари Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан белгиланади.

19. Хорижий фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахс яшаш учун берилган гувоҳнома йўқолганлиги тўғрисида у йўқолган жойдаги ички ишлар органларига дарҳол маълум қилишлари шарт, бу органлар унинг илтимосига кўра унга белгиланган нусхадаги маълумотномани берадилар. Маълумотноманинг шакли Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан белгиланади.

20. Фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси йўқолганлиги тўғрисида фуқаролиги бўлмаган шахс у йўқолган жойдаги ички ишлар органларига ёки Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатия ваколатхонасига ёхуд консуллик муассасасига дарҳол маълум қилиши шарт.

21. Яшаш гувоҳномасини ёки фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини йўқотган шахс доимий истиқомат жойидаги ички ишлар органларига яшаш учун янги гувоҳнома ёки фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини бериш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиши ва давлат пошлинаси тўпланганлиги ҳақидаги квитанцияни илова қилиши шарт.

Шахс яшаш гувоҳномасини ёки фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини йўқотган тақдирда унга мазкур низомда белгиланган тартибда яшаш учун янги гувоҳнома ёки фуқаролиги бўлма[illegible] шахс гувоҳномаси берилади.

22. Яшаш гувоҳномаларини ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини бериш тўғрисидаги аризалар барча ҳолларда ички ишлар органлари томонидан узоғи билан 15 кун муддат ичида кўриб чиқилади.

23. Топиб олинган яшаш гувоҳномаси ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси ички ишлар органларига топширилиши лозим.

24. Хорижий фуқародан ва фуқаролиги бўлмаган шахсдан яшаш гувоҳномасини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини олиб қўйиш ман этилади (Ўзбекистон Республикасининг қонунларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно), шунингдек гаровга олиб туриш ва бошқа шахсга бериш тақиқланади.

25. Хорижий фуқаро ва фуқаролиги бўлмаган шахс яшаш гувоҳномасини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини авайлаб асрашлари шарт.

Ислоҳот одимлари

Тожибой ШОДИМОВ:

ТЕЖАМКОРЛИК — БАРАКА МЕЗОНИ

Ўзбекистон истиқлолга эришгач, мамлакат ғалла мустақиллигини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ҳам бошлаб юборилди. Ҳозир экин майдонларини кенгайтириш, ҳар гектар ер самарадорлигини ошириш тадбирлари кўрилаётган бўлса, иккинчидан, дон маҳсулоти корхоналарида хом ашёдан тежаб-тергаб фойдаланиб, исрофгарчиликка йўл қўймаслик чоралари кўрилаётир. Бу борада Тошкент дон маҳсулотлари ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмасида хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Мухбиримиз бирлашма бош директори Тожибой Шодимов билан аҳолини ун ва дон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш имкониятлари хусусида суҳбатлашди.

— Тожибой Акрамович, яқинда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов [illegible]гида "Ўзбекбирлашув", [illegible]савдо", "Ўздонмаҳсулот" [illegible]рациялари раҳбарлари ва барча вилоят ҳокимлари ўринбосарлари иштирокида Тошкент шаҳри ва вилоятида унни қопсиз ташиш ва сақлаш тўғрисида семинар-кенгаш ўтказилди. Сиз шу тармоқнинг тажрибали мутахассиси, раҳбари сифатида ушбу ўтказилган семинарни қандай шарҳлайсиз?

— Маълумки, ҳар бир халқнинг фаровон яшаши учун иқтисодий мустақиллик ҳам сув билан ҳаводек зарур. Иқтисодий мустақиллика эришмасдан туриб олдинга силжиш мумкин эмас. Ҳукуматимиз шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, энг аввало, ғалла мустақиллигини таъминлаш йўлини тутди. Дон маҳсулотлари саноати корхоналари фаолиятини тубдан ўзгартириш чоралари кўрилди. Айтиш керакки, кейинги 2-3 йил ичида тармоқда кескин бурилиш ясалди. Республика Бош вазири А. Муталов раҳбарлигида ушбу семинарнинг ташкил қилиниши ҳам бу соҳада тўпланган муайян тажрибаларни кенг оммалаштириш эди.

Семинар дон ва уни қайта ишлаш саноати ходимларига янада қулайлик яратиш билан бирга кам меҳнат сарфлаб, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, тежамкорликка эришиш йўлларини кўрсатиб берди. Муҳими, республикамиз бўйича бу соҳа раҳбарларини бир-бирлари билан янада яқинлаштирди, мунозараларга чорлади.

Шундан сўнг биз ҳам янгиликни ҳудудий бирлашмамизда кенгроқ жорий этишга киришдик. Ҳозир унни қопсиз ташиш ва сақлаш борасида бир қатор ишларни қиляпмиз. Бу бизга катта иқтисодий самара келтирмоқда. Бирлашмамизга қарашли Олмалиқ нон заводида 90 фоиз ун қопсиз ташилмоқда. Чирчиқ нон комбинати эса темирйўлдан фойдаланиб, янги усулни тадбиркорлик билан жорий этяпти.

— Бирлашманинг ўнлаб ун ва дон заводлари мавжуд. Уларни зарур хом ашё билан узлуксиз таъминлаш қай аҳволда?

— Завод ва корхоналаримизга дон ва ун маҳсулотлари ўз вақтида етказиб берилмоқда. Аҳолини нон билан таъминлаш учун зарур хом ашё етарли. Ҳозир аҳолини муттасил ўсиб бораётган талабини қондириш учун тўла-тўкис замонавий тегирмонлар ёки ишлаб турган тегирмонларни жиҳозлаш ва қувватини ошириш талаб этилмоқда. Бу йўналишда эътиборга молик ишларни амалга оширдик. Масалан, сўнгги йилларда Тошкент шаҳридаги Қуйи Чирчиқ, Бўстонлиқ, Бекобод ва бошқа жойлардаги дон маҳсулотлари корхоналарида бир неча янги тегирмонлар ишга туширилди. Асосий эътибор ишлаб турган корхоналарни жиҳозлаш ва қайта таъмирлаш йўли билан уларнинг ишлаб чиқариш қувватини оширишга қаратилган. Жумладан, 2-Тошкент ун заводида битта тегирмон таъмирланди. Натижада ҳозир ушбу тегирмон билан кунига 250 тонна ун тайёрланмоқда.

Дон маҳсулотларига тегишли корхоналарнинг айрим тегирмонлари Швейцариянинг "Бюллер" фирмасидан келтирилган юқори унумли ускуналар билан қайта жиҳозланди. Бўстонлиқ туманида қурилаётган ва кунига 150 тонна ун ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган янги завод ҳам ана шундай хорижда тайёрланган асбоб-ускуналар билан жиҳозланади. Бундан ташқари Қуйи Чирчиқ туманидаги "Бинокор" дон маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхонада кунига 650 тонна ун чиқарадиган янги тегирмонлар барпо этиляпти.

Ҳукумат тавсиясига биноан Бекобод ун заводи қошида 350 тонналик ун сақланадиган омборхона қурилишини ҳам бошлаб юбордик.

Бу амалга оширилаётган тадбирлар туфайли албатта, бирлашмамизга қарашли барча ҳудудларда аҳолини нон ва нон маҳсулотларига бўлган талаби янада яхшиланади. Шу билан бирга донни оқилона ишлатиш ва тегирмонлардан самарали фойдаланиш ҳисобига ун сотилиши, бугунгидан анча фоиз юқорироқ натижа берадиган технологияга ўтиш режаларини ҳам ишлаб чиққанмиз. Бу борада бизга "Ўздонмаҳсулот" республика Давлат акционерлик корпорацияси томонидан амалий ёрдам берилмоқда.

Шу ўринда ҳукуматимизнинг ғалла мустақиллиги йўлида олиб бораётган саъйи-ҳаракатларига ҳамоҳанг, ўзимизни нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш билан боғлиқ яна бир муаммони айтиб ўтмоқчиман. Мен унни ва ундан тайёрланган маҳсулотларни режасиз ишлатишга ва исроф қилишга мутлақо қаршиман. Ахир кексаларимиз "Нон азиз, ушоғи ундан азиз" деб бежиз айтишмаган-ку!

— Тожибой Акрамович, сифат ва тежамкорлик ҳамма соҳада ҳамиша олий мезон саналиб келинган. Шундай эмасми?

— Бирлашмамизга қарашли 14та ишлаб чиқариш корхонаси мавжуд. Шундан бештаси нон заводларидир. Бу корхоналаримизда ўрта ҳисобда бир кунда аҳолига юз тоннага яқин нон маҳсулотлари етказиб берилади.

Аҳолини ширин ва бўрсилдоқ оби нонлар билан таъминлаш мақсадида 2 тоннадан 5 тоннагача нон ёпа оладиган кичик новвойхоналар қуриш ишларини бошлаб юборганмиз. Муҳими, ишга туширилаётган бу кичик новвойхоналаримизнинг ўз дўконлари бор. Тайёрланган иссиқ бўрсилдоқ нонлар тўғридан-тўғри тандирдан узилиб, аҳоли қўлига тутқазилади. Бу эса нон маҳсулотларини халққа тез ва қулай тарзда етказиб бериш имкониятларини туғдирмоқда. Бу каби барча чора-тадбирлар ноннинг сифатини яхшилашда муҳим омил бўлмоқда.

— Бирлашма корхоналарида минглаб киши ишлаб турибди. Уларнинг яшаш, ишлаш ва дам олиши учун қулай шароитлар яратилганини кўриб қувондик. Шу ўринда меҳнат аҳлини ижтимоий муҳофаза қилишнинг асосий омиллари нималарда деб ўйлайсиз?

— Ишлаб чиқариш тизимини тубдан ўзгартирмасдан, бирлашма учун, қолаверса, ўзи учун сидқидилдан меҳнат қилаётган кишига шарт-шароит яратиб бериш керак-ку! Шу боисдан яқинда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг икки йиллиги муносабати билан бирлашмамизнинг барча ишчи-хизматчиларига бир ойлик маоши миқдорида мукофот пули берилди. Ундан ташқари, барчани қишга етарли миқдорида картошка, пиёз, сабзи ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминладик. Бирлашма ишчи-хизматчиларининг шаҳар транспортида юришлари бепул. Сут маҳсулотларини ҳам бепул қилиб қўйганмиз. Тушлик овқатнинг 0 фоизини арзонлаштириш учун талонлар ҳар ойда тарқатилади. Гўшт маҳсулотларини ёрдамчи хўжаликларимиз орқали имкони борича бепул тарқатишга ҳаракат қиляпмиз. Ҳозирги кунда бирлашма корхоналаридаги ёрдамчи хўжаликда 644 бош қорамол, 900 бош қўй, 1788 бош чўчқа, 65 бош йилқи боқилмоқда. Кейинги йилларда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бу хўжаликларимизда муттасил кўпайиб бораётгани киқинги қувонтиради.

Яқинда Бўка туманининг "Бўка" жамоа хўжалиги ҳудудидан 20 йилга мўлжаллаб юз гектар суғориладиган майдонни ижарага олдик. Бу ерга кузда уруғ ташлаган эдик. Насиб бўлса, бу ердан 500 тонна сара буғдой йиғиштириб оламиз.

Ишчиларнинг соғлиғини тиклаш, дам олишини таъминлаш учун ҳамма шароитлар яратилган. Даволаниш ёки дам олиш учун санаторий, курортларга берилган йўлланмаларнинг ҳам маълум қисми маъмурият ҳамда касаба уюшмаси томонидан иложи борича тўланмоқда.

— Тожибой Акрамович, халқ фаровонлиги йўлида кечаю кундуз тинним билмаётган Тошкент дон маҳсулотлари ҳудудий бирлашмангизнинг меҳнат аҳлига хайрли ишларида катта муваффақиятлар тилаймиз. Янги йилда дастурхонимиз тўкин бўлсин!

Суҳбатдош: "Ўзбекистон овози" мухбири Маъмуржон ҚИЁМОВ.

Шу кунниНг нафаси

Янгиликлар воқеалар хабарлар

• *Кулайлик*

ТОҒ ҚИШЛОҚЛАРИДА ТЕЛЕВИЗОР

• **ҚАШҚАДАРЁ** (мухбиримиздан). Китоб туманининг денгиз сатҳидан 1—1,5 минг метр баландда жойлашган қишлоқларида ойнаи жаҳон томошалари кўриш орзу эди. Туман ҳокимлигининг сайъ-ҳаракати туфайли бу муаммо ҳал қилинмоқда.

—Матлон қишлоғи аҳолиси хонадонларида ойнаи жаҳон кўзгусида тасвирлар пайдо бўлди. Тоғ қишлоқларида 1,5 мингга яқин аҳоли яшайди, — дейди Китоб тумани ҳокими ўринбосари М. Норқобилов. — Дастлаб Деновбола қишлоғининг аҳолисини талабига кўра телеузатгич мосламалари ўрнатилди. Энди Матлонда ер йўлдоши орқали телетомошаларни қабул қилувчи "М-1" мосламаси ўрнатилди.

Юнус УЗОҚОВ.

• *Тежамкорлик*

ИШНИНГ КЎЗИНИ БИЛИБ

• **СИРДАРЁ** (мухбиримиздан). Оқолтин туманидаги Сардоба пахта тозалаш заводида йилига кўплаб электр қуввати сарфланарди. Ҳозирги қийин шароитда бунинг олдини олиш ҳақида ўйлаб қолишди. Муҳандису техник ходимлар тежамкорлик йўлини излашди.

Корхонанинг пахта тозалаш цехидаги УХК русумли тозалаш машиналарининг иккита вентилятори билан шунча сепаратори қисқартирилди. Натижада ойига 66 минг киловаттсоат энергияни тежаш мумкин бўлди. "Шу йўл билан электрнинг беҳуда исроф бўлишига чек қўйдик, — дейди бош муҳандис Тугал Норбўтаев. — Айни пайтда атроф-муҳитни ифлосланишининг ҳам бирмунча олди олинди. Тежалган маблағ эса ишчиларнинг малакасини ошириш ва саломатлигини мустаҳкамлашга сарфланмоқда".

Нурмамат АЛМУРОДОВ.

• *Тадбиркорлик*

УЗЛУКСИЗ ИШЛАЙВЕРАМИЗ

• **НАВОИЙ** (мухбиримиздан). Йил бошида фойдаланишга топширилган Қизилтепа туманидаги ун заводида 30 киши меҳнат қилмоқда. Завод кичик бўлса-да, Қизилтепа, қолаверса, аксарият туманларнинг аҳолиси ҳам маҳсулот билан таъминланмоқда.

Қисқа давр мобайнида корхонада 7 минг тоннага яқин биринчи навли ун ишлаб чиқарилди. Ҳозир кунига 38 тонна дон тортилмоқда. "Заводда ишнинг узлуксизлигини таъминлаш муҳим ҳисобланади, — дейди корхона директори Рустам Раҳимов. — Биз бу йилги ғалла ҳосилидан 4 минг тонна донни ғамлаб қўйдик. Шартнома асосида четдан олинаётган донни ҳам қўшиб ҳисобласак, заводда узлуксиз ишлашни таъминлаш мумкин бўлади".

Музаффар ШАРОПОВ.

• *Тиббий хизмат*

ҲАММАСИ БИР ЖОЙДА

• **ТОШКЕНТ** (жамоатчи мухбиримиздан). Республика бошкентининг Яккасарой туманидаги соғлиқни сақлаш шохобчаларида ўзига хос хайрли ишга қўл урилди.

Болалар, катталар поликлиникалари, аёллар тиббий маслаҳатхоналари бир маконга жо қилинди. Бундай марказлаштириш аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилашни кўзда тутади. Ўзига хос марказий тиббий масканнинг бош шифокори ўринбосари Раъно Ҳожиеванинг мулоҳазасига қараганда ўтказилаётган бундай тажриба ўз самарасини беради. Муҳими, одамлар ўзлари бир шифохонага, болаларини бошқа тиббиёт масканига етаклаб юришмайдиган бўлишди. Ўйлаймизки, бундай савобли ишни қўллаб-қувватлаб Тошкентнинг бошқа туманларида жорий қилса арзийди.

Маҳфуза ЗАЙНИДДИНОВА.

КЎЧМАС МУЛК — ЎЛМАС САРМОЯДИР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси ҳамда Республика Кўчмас мулк биржаси Сизни кириб келаётган Янги йил билан муборакбод этади ва 29 декабрь куни Жиззах шаҳрида ўтказиладиган кимошди савдосига таклиф этади.

Савдога қуйидагилар қўйилган:

"ЎЗТРЕСТСПЕЦСТРОЙ" БОШҚАРМАСИГА ҚАРАШЛИ "ГАЗ 52-01" АВТОМАШИНАСИ

Бошланғич баҳоси — 7,9 минг сўм.

ЗАФАРОБОД ТУМАНИ 56-"ХМКП"ГА ҚАРАШЛИ "ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ" УСТАХОНАСИ

Бошланғич баҳоси (ер майдони билан биргаликда) — 13,6 минг сўм.

ҒАЛЛАОРОЛ ТУМАНИ МАДАНИЯТ БЎЛИМИГА ҚАРАШЛИ "УАЗ-452" АВТОМАШИНАСИ

Бошланғич баҳоси — 20 минг сўм.

АРНАСОЙ ТУМАНИ БОБО ФАЙЗИЕВ НОМЛИ ФЕРМЕРЛАР ЖАМОА ХЎЖАЛИГИДАГИ САВДО ШОХОБЧАСИ

Бошланғич баҳоси (ер майдони билан) — 27,5 минг сўм.

ФОРИШ ТУМАНИ ОҚТОШ ҚИШЛОҒИДАГИ "ЛАЗЗАТ" ҚАҲВАХОНАСИ

Бошланғич баҳоси (ер майдони билан) — 11,6 минг сўм.

АРНАСОЙ ТУМАНИ БОБО ФАЙЗИЕВ НОМЛИ ФЕРМЕРЛАР ХЎЖАЛИГИДАГИ ҲАММОМ

Бошланғич баҳоси (ер майдони билан) 17,4 минг сўм.

"МАЗ-5549" АВТОМАШИНАСИ

Бошланғич баҳоси — 27,9 минг сўм.

ЖИЗЗАХ ТУМАНИ ШАРОФ РАШИДОВ НОМЛИ ДАВЛАТ ХЎЖАЛИГИДАГИ 25-ДЎКОН

Бошланғич баҳоси — 51,2 минг сўм.

ЖИЗЗАХ ТУМАНИ УЧТЕПА ДАҲАСИДАГИ "МАРҲАБО" РЕСТОРАНИ

Бошланғич баҳоси (ер майдони билан) 208,5минг сўм.

ТАШКИЛОТ

ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН ЯНГИ ЙИЛ ОЛДИ САВДОСИНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

- "SANGRIA" виноси (Испания)
- мевали ликёрлар (Италия)
- 5 хилдаги шампан виноларн (Италия)
- "STEFFL" виноси (Австрия)
- турли хилдаги ароқлар (Исландия, Бельгия, Голландия)

GOLDEN AMERICAN" сигареталари

- Италиянинг машҳур виноларн
- "NAPALEON" коньяги

ОВРЎПОНИНГ ЭНГ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАРИ

Алоқа телефонлари: 45-55-65, 45-70-65







БОЗОР ТЎКИНЛИГИ — ДАСТУРХОН ТЎКИНЛИГИ

Яқинда республика Президенти ҳузуридаги иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгашнинг навбатдаги мажлисида юртбошимиз И. А. Каримов Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақилликка эришиш йўлидаги долзарб вазифаларга алоҳида тўхталди. Ҳақиқатан ҳам, мулкни ҳақиқий эгасига топширмасдан, тадбиркорликка кенг йўл очиб бермасдан туриб бу йўналишда мақсадга эришиб бўлмайди. Бозор тўкинлиги — дастурхон тўкинлиги, дейди халқимиз. Зотан бозорлардаги маҳсулот турларининг кўплиги, сифатлилиги ва айни пайтда арзонлигига эришиш рўзғоримизга барака олиб келади. Шарқона услубда қайта қурилган ва таъмирланган, харидорлар учун талай қулайликлар яратилган, ноз-неъматларга тўла Тошкентдаги "Бешёғоч" деҳқон бозори ислоҳот йўлидаги яна бир дадил қадамдир.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат-лавҳалар.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, АГРАР СЕКТОР РАҲБАРЛАРИ — ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1995 йилнинг 1 январидан бошлаб телефон алоқалар хизматини тақдим этиш тартибини ва ҳисоб-китобнинг самарали бўлишини тақомиллаштириш мақсадида шаҳарлараро ва халқаро телефонлардан фойдаланишда ҳар ой учун йиллик харажатларнинг 1/12 қисмидан кам бўлмаган ҳажмда олдиндан тўлаш усули йўлга қўйилмоқда.

Аванс ҳисобларда абонент маблағининг бўлмаслиги абонентнинг шаҳарлараро ва халқаро алоқадан узиб қўйиш эҳтимолини билдиради ва ҳар бир узиб қўйилиши ва уланиши учун тариф бўйича ҳақ ундирилади.

"Ўзбектелеком" концерни хизмат секторидаги барча абонентлардан ўз вақтида халқаро алоқа телефон станциялари билан шартнома тузишларини, аванс пулларини ўтказишларини сўрайди.

Республика электралоқа корхоналари шаҳарлараро ва халқаро алоқалар тақдим этиш учун чекланмаган имкониятларга эгадирлар.

ЭЛЕКТР АЛОҚАЛАР ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" концерни.

ЎЗИМИЗДАН ЧИҚСА ЯХШИМАСМИ?

ёки миллий ишчи кадрлар тайёрлаш муаммолари хусусида

Бир неча ўн йиллар мобайнида марказдан бошқаришнинг амалдаги тизими, унинг идоралари, хўжалик юритиш услуб ва усуллари иқтисодиётнинг янада ривожланишига сезиларли тўртки бўлишига, кескин ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қодир эмаслиги оқибатида ҳал этилмай қолган муаммолар Ўзбекистонда чигал ижтимоий-иқтисодий ва демографик вазиятни юзага келтирган эди. Аҳвол шу даражага тушиб қолган эдики, қишлоқ хўжалигида пахта яккаҳокимлиги билан бир қаторда унда ўз маҳсулоти билан аграр соҳани таъминлайдиган тармоқлар устунлик қилиб келди.

Ўзбекистоннинг тайёр маҳсулотни эмас, балки жуда паст нархларда хом ашё ҳамда ярим тайёр буюмларни етказиб берувчи асосий база сифатида бир томонлама ихтисослаштирилиши республикамизда қайта ишловчи саноат тармоқларининг ривожланишига тўсқинлик қилди. Маъмурий-буйруқбозлик тизими сиёсати ва маҳаллий идоралар раҳбарларининг ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришда, ишчи ва мутахассис кадрлар тайёрлашда, айниқса республикамизнинг ўзига хос миллий, демографик вазиятини ҳисобга олмасдан нотўғри йўл тутганлиги оқибатида ҳам аҳвол янада оғирлашиб кетди.

Кўп йиллар давомида марказга ташиб кетишган аниқ йўналтирилган, меҳнатни нисбатан камроқ талаб қиладиган арзон хом ашё тармоқлари устун деб ҳисоблаб келинди. Натижада республика саноатининг бундай номукаммаллиги маҳаллий миллат вакилларининг ижтимоий турмушига, унинг саноатнинг анъанавий тармоқларида жамланишига салбий таъсир қилди. Фан-техника тараққиётини белгилайдиган ва республиканинг иқтисодий ривожланишини таъминлайдиган тармоқларда уларнинг ниҳоятда камчил бўлишига олиб келди. Мана шундай шароитда "Бизга аввало туб миллат вакилларидан малакали кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури сув ва ҳаводек зарур", деб таъкидлади юртбошимиз. Чунки, "меҳнат қилишга лаёқатли бўлган ўзимизнинг юқори малакали маҳаллий кадрларимизсиз Ўзбекистоннинг мустақиллигини тасаввур қилиш қийин".

70-80-йилларнинг биринчи ярмида республикамиз халқ хўжалигининг ишчи ва илмий-техник кадрларига бўлган талаби изчил ўрганилмади. Натижада кадрлар тайёрлашни режалаштиришда жиддий хатоликларга йўл қўйилди.

Узоқ давр мобайнида Ўзбекистондаги демографик вазиятга етарли эътибор берилмади. Ишлаб чиқариш кучларининг жойлаштирилиши сиёсатига ўзгартишлар киритиш бўйича умумдавлат доирасида республикада бирмунча ишлар қилинди. Бироқ бу ишлар пала-партиш, миллий манфаатларга мос келмайдиган даражада ва охиригача етказилмасдан юзаки олиб борилди. Шу билан бирга турли миллат вакилларининг иш билан таъминланганлик соҳалари бўйича тадқиқот деформацияланганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Масалан, саноатда меҳнатга қобилиятли бутун аҳолининг 12 фоизидан камроғини ташкил этувчи ўзбеклар ишлар эди. Шу боисдан ҳам маҳаллий аҳоли орасидан ишчилар тайёрлашнинг сифатини яхшилаш, миқёсини кенгайтириш зарурати етилиб турган долзарб масалалардан бириди.

Кейинги йилларда ушбу муаммони оқилона ҳал қилиш йўлида анча жиддий тадбирлар кўрилди, тегишли қарорлар қабул қилинди. Бу ишларнинг олға силжишига тўртки бўлди. Айни пайтда эришилган ижобий ўзгаришларга қарамай, миллий кадрларни айрим тармоқлар бўйича тақсимлаш ниҳоятда нотекис бўлиб, бу ҳолни қониқарли деб бўлмас эди. Чунончи, ишчилар орасида ўзбеклар: 1973-1983 йилларда саноатда 51,1 фоизга, қурилишда — 46,5, транспортда — 38,6, алоқада — 40,8, енгил саноатда — 65,7, озиқ-овқат саноатида — 59, нефть қазиб чиқаришда — 55,2 фоизни эгаллаган бўлса, рангли металлургияда — 31,4, машинасозлик ва металлни қайта ишлашда — 25,2, химия ва нефть химиясида — 24,9 фоизни ташкил этган.

Вилоятлар саноат корхоналаридаги маҳаллий миллат вакилларидан ишчилар салмоғи ҳам турлича эди: масалан, Фарғона водийсидаги саноат корхоналарида ўзбек ишчилари 40-60 фоизни ташкил қилган бўлса, Тошкент вилоятида эса бу 20-23 фоизни эгаллаган. Республика саноатини ривожлантириш соҳасида йўл қўйилган камчиликлар ҳам миллий ишчи кадрлар тайёрлаш ишига салбий таъсир кўрсатди. Аслий саноат ҳунармандчилиги ҳамда меҳнатни ташкил қилиш шаклларидан воз кечиб, хато қилинди. Чекланган тарздаги йирик шаҳарларда кўпроқ йирик, аҳоли учун мутлақо янги саноат корхоналари жадал суръатлар билан барпо қилинди. Жумладан, биргина Тошкент шаҳрининг ўзидагина 70-йилларнинг охирларида тўрт юздан ортиқ саноат корхона ва бирлашмалари мавжуд эди. Бу корхоналар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг тўртдан бирини етказиб берарди. Умуман олганда, республикадаги саноат корхоналарининг эллик фоизи Тошкент шаҳри ва вилояти ҳудудида жойлашган бўлиб, бу корхоналар ишчиларининг атиги учдан бир қисми туб миллат кишиларн эдилар. Шу йилларда Фарғона, Андижон, Қўқон, Бухоро шаҳарларида ҳам машинасозлик, химия саноати корхоналари кўплаб қурилди.

Саноатнинг замонавий тармоқларидаги меҳнатга ўзбек халқи гўё қодир эмаслиги ва шу муносабат билан кўп ишчилар ишсиз юртганлиги ҳақида айрим фикрлар мавжуд бўлган. Бу гапларни халқни ҳам, ҳақиқий аҳволни ҳам мутлақо билмайдиган кишилар айтган. Республикамизда бир неча юз мингга яқин ишсизлар бор экан, бунинг боиси уларнинг ишлаш иштиёқи йўқлигида эмас, балки баъзи раҳбарлар, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг бугунги мутасаддилари уларни иш жойлари, турар жой, болалар боғчалари, ҳунар-техника билим юртлари билан таъминлаш имконини етарлича ярата олмаганидадир.

Ўзбекистонда миллий ишчи кадрларни шакллантириш — республиканинг иқтисодий жиҳатдан мустақиллигини таъминлашнинг муҳим шартидир. Миллий кадр ўз корхонасининг, элининг манфаатини кўпроқ ўйлайди, унинг янада равнақ топиши учун қайғуради. Ҳар бир миллатнинг ўз юртида ғурури, миллий ҳис-туйғулари бошқаларга нисбатан кучлироқ бўлади, у ўз элининг манфаатларини бошқалардан кўра кўпроқ ҳимоя қилади. Бироқ айрим мутасадди раҳбарлар миллий кадр тайёрлашдек муҳим ижтимоий муаммони ҳал этиш ишига етарли баҳо бермадилар. Натижада миллий кадрлар салмоғи баъзи корхоналарда жуда камайиб кетди. Жумладан, "Навоийазот" ишлаб чиқариш бирлашмасида кадрлар масаласида ишга қабул қилинаётганларнинг миллий таркибига етарли аҳамият берилмас экан.

Кўпгина хўжалик раҳбарлари ўн йиллар давомида маҳаллий ёшлар орасидан ишчи кадрлар тайёрлаш билан астойдил шуғулланиш ўрнига баъзан ўзлари учун осон, лекин маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини чигаллаштирадиган йўлдан бориб, бошқа республикалардан, Россия ва Украинадан тайёр кадрларни ёллаш йўлини тутдилар. Маҳаллий раҳбарлардан ҳам кўра кўпроқ марказий идоралар раҳбарлари бу ишга астойдил киришиб, ўзларининг сирли, айни пайтда ғаразли мақсадларини амалга ошириш учун ҳаракат қилдилар.

Йилдан-йилга марказий минтақалардан кўчиб келувчилар сони орта борди. Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрен, Навоий, Янгиер, Бекобод каби шаҳарларда туб аҳоли камчиликни ташкил қилиб, кўпчилиги мамлакатнинг турли шаҳарларидан йўлланма билан келган кишилардир. Четдан келган кадрлар учун махсус турар жой бинолари ҳам зудлик билан қуриб битказиларди. Бироқ, республикамизнинг чекка қишлоқларидан шаҳарга иш қидириб келган маҳаллий ёшларга шаҳар рўйхатига ўтиш ҳам,ишга кириш ҳам, яшаш учун уй-жой топиш ҳам муаммо эди.

Кейинги йиллардаги расмий ҳужжатларда ишчилар сафида маҳаллий миллат кишилари кўпроқ бўлиши кераклиги қайта-қайта таъкидланди. Бироқ, Ўзбекистонда бу вазифани ҳал этиш муайян қийинчиликлар билан боғлиқ эди. Чунки республика аҳолисининг 60 фойизга яқини қишлоқ жойларда яшайди ва кўпчилигини деҳқонлар ташкил этади. Уларнинг орасида ортиқча меҳнат ресурслари анчагина бўлиб, механизациялаш ҳамда қишлоқ хўжалик меҳнати индустриал меҳнатнинг бир турига айлана борган сайин уларнинг улуши кўпаяверади. Шу муносабат билан деҳқонларнинг бир қисмини индустриал тармоқларга қайта тақсимлаш республика ишчилари таркибида миллий кадрлар салмоғини оширишнинг асосий шартларидан биридир. Бу муаммони ҳал этишнинг энг оддий усулларидан бири тебранма миграция — қишлоқ аҳолисини саноатга жалб этиш йўлидир. Бу шаҳар яқинидаги қишлоқ аҳолисига яшаш жойини ўзгартирмасдан саноатда ва шаҳар хўжалигининг бошқа соҳаларида меҳнат қилишга имкон беради. Мазкур усулдан фойдаланиш тезда ўзининг самарадорлигини кўрсатди.

Маҳаллий аҳоли орасидан ишчиларнинг кам сонлилиги, улар профессионал билими даражаси пастлигининг асосий сабаби — қишлоқда индустриал тармоқлар ва ижтимоий инфраструктурининг етарли даражада ривожланмаганлигидадир. Бу муаммони ҳал қилиш учун ишчи қадрини ошириш, дастлаб меҳнат самарадорлигини юксалтириш ва шунга яраша ойлик иш ҳақини кўпайтиришга эришишни таъминлаш; моддий рағбатлантиришнинг турли шаклларидан фойдаланиш; индустриал ишлаб чиқариш ходимларига ер томорқалари ажратиб бериш, боғдорчилик ширкатларини ташкил этиш; умумтаълим мактабларининг юқори синфларида ёшларни касбга йўллашни, мактабда касбга тайёрлашни яхшилаш — буларнинг барчаси қишлоқ аҳлини саноат корхоналарига ишга жалб этишда ижобий натижалар беради.

Ишчилар сафини туб ерли миллат кишилари ҳисобига ўстириш бизнинг республика учун ижтимоий адолат нуқтаи назаридан ҳам жуда катта аҳамиятга эга эди. Бу жараён ёш ишчи кадрлар тайёрлайдиган ҳунар-техника билим юртларида жуда суст борди. Билим юртларига қабул қилинганларнинг 45 фоизи (Тошкент шаҳрида) бошқа жойлардан келган кишилардир. Шу билан бирга ўқувчилар умумий сонида саноат ва қурилиш ишчилари мутахассислари бўйича туб миллат вакиллари 17 фоизни эгаллар эди.

Ўтказилган тадқиқотлардан хулоса қиладиган яна бир жиҳати ҳам борки, ишлаб чиқариш соҳасининг мавжуд таркибига ҳар қайси тармоқда тарихий таркиб топган ишда бандлик анъана ва кўникмалари ҳам тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Лекин муаммонинг сабаби фақат шунда деб бўлмайди. Бунинг бошқа сабаблари ҳам мавжуд бўлиб, улардан бири европаликларга мансуб халқлар яшайдиган йирик шаҳарларда катта-катта саноат корхоналарининг йиғилиб қолганлигидир. Ўзбеклар салмоғи 30 фоизга ҳам етмайдиган бундай шаҳарларда ўзбек ишчиларининг ҳам кам бўлиши табиий ҳолдир.

Кам малакали, оғир, бунинг устига кам ҳақ тўланадиган меҳнат жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожини секинлаштиради. Зеро, у ишлайдиганларни ўзидан бегоналаштиради, шу билан бирга уларда ўз болаларини ҳам бундай оғир меҳнатдан ҳар қандай йўллар билан эҳтиёт қилишга интилишини кучайтиради.

Республика саноат маҳсулоти умумий ҳажмининг 60 фоиздан кўпроғи хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган, кўп меҳнат талаб қилмайдиган корхоналар улушига тўғри келадики, маъмурий-буйруқбозлик тизими таъсирида юз берган бундай аҳволни ўзгартириш лозим. Ўзбекистонда маҳаллий ресурслардан фойдаланилган ҳолда юксак даражада тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган, кўп меҳнат талаб қиладиган ва илм-фан ечимлари билан иш кўрадиган корхоналарни устун даражада ривожлантириш ҳамда мумкин қадар уларни қишлоққа олиб кириш юзасидан катта тадбирларни амалга ошириш талаб қилинади.

Бугунги кунда диққат марказида турган энг муҳим муаммолардан бири бўлган миллий ишчи кадрлар салмоғини ошириш катта аҳамиятга эга иқтисодий вазифагина бўлмай, балки жуда зарур сиёсий вазифа ҳамдир. Миллий ишчи кадрлар тайёрлаш масаласи республикамиздаги ижтимоий-сиёсий вазият билан бевосита алоқадор. Маданият, тил, ўзбек халқининг урф-одатлари қайта тикланмоқда. Лекин миллий кадрлар, асосан оммавий ишчи касби ривожланмас экан, миллий тараққиётда юқори сифат поғонасига кўтарилиб бўлмайди.

Ишчилар сафида миллий кадрларни кўпайтириш воситасида барча миллат ва элатлар меҳнаткашлари кенг оммаси билан алоқани мустаҳкамлаш вазифаси анча муваффақиятли ҳал этилади. Биз бунга қанчалик тез эришсак, ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги, халқ турмуши, маданияти, билим даражаси, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишдаги ҳамда энг асосийси ижтимоий адолат ўрнатишдаги ва шу билан бирга миллатлараро муносабатлар муаммоларини бартараф этиш ишидаги муваффақиятларимиз шунчалик сезиларли бўлади.

Дилором БОБОЖОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тарих институти докторанти, тарих фанлари номзоди.

Сиз кутган учрашув

Турғун АЗИЗОВ:

"ҲАММА РОЛНИ ЎЙНАБ БЎЛДИМ. АММО..."



— Турғун ака санъаткорнинг, айниқса, актёрнинг ҳар бир яратадиган образи машаққатли меҳнат эвазига дунёга келади. Шундай экан, сиз нима учун актёрлик касбини танлагансиз?

— 6 – 7 ёшларда бўлсам керак, онам билан Ҳамза театрига томошага бордим. Одам жуда гавжум. Томоша бошланди. Гавдали, қорачадан келган бир киши бақириб-чақирар, у ёқдан бу ёққа чопиб юрар эди. Бир маҳал у чиройликкина хотинини бўға бошлади. Мен қўрқиб кетдим-да, онамнинг пинжига тиқилдим. Кейинчалик билсам, у киши халқимизнинг севимли актёри Аброр Ҳидоятов бўлиб, Отелло ролини ижро этаётган экан. Шундан кейин Ҳамза театрининг ҳар бир спектаклини бориб кўрадиган бўлдим. Мактабни тугатиб, ҳужжатларимни ҳеч иккиланмай Тошкент театр ва рассомлик санъати институтига топширдим. У ерда талантли режиссёр Тошхўжа Хўжаев қўлида таҳсил олдим. У киши менга умрбод устоз бўлиб қолдилар.

— Ҳа, эсимга тушди, телевиденида Тошхўжа Хўжаев ҳақидаги кўрсатувда мухбир театр ва рассомлик санъати институти талабалари ва домлаларидан бир қанчасидан "Тошхўжа Хўжаев ҳақида нималарни биласиз?" деб сўраганида на талабалар, на домлалар жавоб беришолмади. Буни қандай изоҳлайсиз?

— Мен ҳам 1980 – 88 йилларда шу институтда "Актёрлик маҳорати"дан дарс берганман. Институтда жаҳон ва Европа драматургларининг, айниқса, рус драматургларининг саҳна асарлари, театрлари тарихи чуқур ўрганиларди-ю, аммо "Ўзбек театри" фани номигагина ўқитиларди. Шу туфайли Тошхўжа Хўжаевдек буюк санъаткорни, ўзбек театрининг профессионал режиссёрини талабалар билишмаган. Барибир бу эртанги театр соҳаси мутахассиси учун баҳона бўлолмайди. У аввало ўз халқининг санъати ва унинг тамал тошини қўйганларни билиши шарт.

— "Инқилоб тонги" спектаклидаги Сиз ижро этган Амир Олимхон ва Комил Ёрматов суратга олган "Нодирабегим" фильмидаги Амир Насрулло образларини ҳали-ҳали одамлар кўп эслайди. Шунингдек, Ҳамза театрида Аброр Ҳидоятовдан кейин Отелло образини яна саҳнага олиб чиқдингиз. Аброр ака бу ролни маромига етказиб ўйнаган эдики, Отелло деса ҳамон халқимиз кўз ўнгида катта бир актёр гавдаланади...

— Саволингиздаги шаъмани тушундим. Ҳар бир актёрнинг ўз орзуси бўлади. Мен ҳам Отелло образини яратишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйгандим. Тўғри, Аброр ака бу ролни жуда зўр ўйнаган. У кишининг овози ҳам жуда ўткир, гўё момақалдироқдай. Шунинг учун ҳам мен Отеллони бутунлай бошқача талқин этишга ҳаракат қилдим. Мен асосан Отеллонинг ички психологиясига, руҳий ҳолатига эътиборни кўпроқ қаратдим. Бундан ташқари ўзим Мунаввара Абдуллаева билан ҳамкорликда саҳналаштирган "Мирзо Улуғбек" спектаклидаги Улуғбек ролини ҳам ижро этдим. Отеллода ҳам, Улуғбекда ҳам, агар мен янгича талқин билан ижро этмаганимда, Аброр ака ва Шукур акаларни такрорлаганимда бу роллар қўнгилдагидек чиқмасди.

Актёрнинг ўз интилган чўққиси бўлади. Мен интилган чўққи Аброр Ҳидоятов ва Шукур Бурхоновлар.

Энди бу образлар қанчалик ижро этилди — бу томошабинга ҳавола.

— Сиз кўплаб бадиий фильмларда ҳам роллар ижро этгансиз. Кинога кириб келишингиз тарихи қандай бўлган?

— Мени кинога дастлаб худо раҳмат қилгур Латиф Файзиев етаклаб борган. IV курс талабаси эдим. 1955 – 56-йилларда Латиф аканинг "Ленин йўлланмаси билан" фильмидаги Нодир ролини ижро этганимдан кейин кинога йўл очилди.

Йўлдош Аъзамовнинг "Мафтунингман" фильмида Бакир Назаров, Комил Ёрматовнинг "Нодирабегим"ида Амир Насрулло образларини яратдим. Ундан ташқари режиссёрлар Шуҳрат Аббосов, Дамир Салимов, Али Ҳамроевлар суратга олган фильмларда ҳам роллар ижро этдим. "Ўзбекфильм"да ўттиздан ошиқ фильмда роллар ўйнадим. Яқинда Шуҳрат Аббосов "Мирзо Улуғбек" фильми устида иш бошлади. Улуғбекнинг отаси Шоҳруҳ образига синаб кўришяпти. 1956 йилдан дубляжда қатнашаман. Актёр кинода роль ўйнасин, аммо театрни ҳам ҳеч қачон тарк этмаслиги керак. Чунки театр муқаддас даргоҳ. Санъаткорлик эса инсонга берилган илоҳий неъмат. Ҳамма ҳам санъаткор бўлавермайди. Театрда санъаткор ҳар куни роль ўйнайди, томошабин билан юзма-юз келади. Ўз нуқсонларию ютуқларини томошабин нигоҳидан билиб олади. Кинода эса бошқачароқ, кино экранларга чиққандан кейингина образ муваффақиятли ўйналдими-йўқми — билиш мумкин.

— Яна гап театрга келиб тақаляпти. Кўпчилик актёрлар "Театрга томошабин кирмай қўйди" дейишади...

— Актёр роль ўйнаганида руҳ билан мулоқотга киришади. У бор истеъдоди, маҳоратини ишга солиб роль ижро этиши шарт. Театрга "одам кирмай қўйди", дейилгани билан иш битмайди. Бунинг учун изланиш, ўрганиш, янгиликка интилиш зарур. Ҳозир шундай бир даврки, ўзини, ўзлигини эндигина таниётган юрт халқи жиддий синовлар даврида турибди. Театр оламида ўзи ҳар 15 – 20 йилда шундай жараён бўлиб туради. Яъни томошабинларнинг театрга келиши бир камайиб-бир кўпаяди.

Менимча ҳозирги шароитда актёрлар ҳам кўпқиррали санъаткор бўлиши керак. Саҳна тили ва маданиятини яхши эгаллаган, ашула ва рақс санъатидан хабардор, акробатика билан шуғулланган бўлса, 3 – 4 хил хорижий тилни ўрганса, янада яхши бўларди.

— Саҳнада яратган образларингиздан қайси бири кўпроқ ўзингизга ёқади?

— Актёр учун ўзи яратган образларнинг яхши-ёмони бўлмайди. Чунки ҳар бир образга унинг қалб қўри, тинимсиз машаққатли меҳнати сарф бўлади. Мен учун ҳам ҳар бир образим қадрли. Аммо улар орасида Ғофир, Отелло, Фердинанд, Монсерро, Йўлчи, "Ревизор"даги ҳоким, "Қирол Лир"даги Эдмондлар тимсолини саҳнада яратганимдан мамнунман.

— Томошабинлар сиз саҳналаштирган "Мирзо Улуғбек", "Алишер Навоий", "Меҳробдан чаён" спектакларини кўришга ҳам улгуришди. Режиссёрликнинг ташвишлари оғирлик қилмадими?

— Бундан 3 – 4 йил аввал атоқли адиб Мақсуд Шайхзоданинг юбилейи кечасида мен ва Рихсихон Иброҳимова Улуғбек ва Феруза монологини ижро этдик. Шунда кўнглимда "Мирзо Улуғбек" фожеасини саҳналаштириш истаги туғилди. Кейин театр ва рассомлик санъати институти муаллимаси Мунаввара Абдуллаева билан ҳамкорликда шу асар устида иш бошладик. Жамоатчилик яхши кутиб олди. Кейин яна Мунаввара билан биргаликда "Алишер Навоий" ва "Меҳробдан чаён" асарларини ҳам саҳналаштирдик. Энди В. Шекспирнинг "Ҳамлет"ини қўймоқчимиз. Э, қўяверинг, булар ташвишмас, аксинча қувонч. Катта меҳнат.

— Катта мактаб кўрган санъаткор сифатида айтингчи, режиссёрлик енгилмикан, ё?..

— Ҳар бир актёр режиссёр бўлолмайди, аммо режиссёр роль ўйнайди. Сабаби у катта актёр. Чунки режиссёрда кенг дунёқараш, ролни тўғри тақсимлаш, мусиқа тинглаш, сўз устида ишлаш, саҳна асарини томошабинга тўлақонли қилиб етказиб бериш хислатлари мужассам бўлиши шарт. Агар шу талаблардан биронтаси мукаммал бўлмаса у яхши режиссёр эмас.

— Очиғи, ҳар бир одам етук ёшга боргандагина ортга қайрилиб, ўтган умр йўлларини ҳисоб қилади. Сиз ҳам...

— Худога минг қатла шукр, нолимайман.

Орзу қилган ҳамма ролларимни деярли ўйнаб бўлдим. Аммо Лермонтовнинг "Маскарад"идаги Арбининни ўйнолмадим. Лекин яқинда "Қирол Лир"даги Қирол образини топширишди. Ниятим 85 ёшга кирган отам 100 га кирса, хонадонимга ташриф буюрган инсонларнинг нияти пок бўлса, театр равнақ топса, юксалса, бизнинг давомчиларимиз бўлмиш ёш авлод вакиллари халқимиз санъати, адабиёти, театри тарихини, умуман маданиятимиз асосларини чуқур ўрганса, санъатимиз дарғалари ишини муносиб давом эттирса. Юртимиз жаҳонда, сиёсатда, иқтисодда, маданиятда энг ривожланган давлатлар қаторида турса.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ суҳбатлашди.

Соғлом авлод учун

КЎЗ ИЛҒАМАС ДАРД

Аллергик хасталикларнинг кундан кунга ортиб, кўпайиб бораётганлиги нафақат мутахассис шифокорларни, балки кенг халқ оммасини ҳам ташвишга солмоқда. Бу муаммонинг нақадар муҳим эканлигини ҳозирги кунда туб аҳолининг 20 фоизи аллергик хасталикка чалинганлиги исботлаб турибди. Фикримизнинг далили сифатида сўнгги ўн йил ичидаги текширув натижаларига назар ташласак, мазкур хасталикнинг фақатгина икки тури, бронхиал астма ва аллергик дерматит Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Жиззах вилоятлари бўйича 65 фоизга кўпайганини кўрамиз. Бутун-жаҳон Соғлиқни сақлаш жамияти маълумотларига кўра, 2000 йилга бориб аллергик хасталиклар руҳий касалликлардан сўнг иккинчи ўринни эгалларкан.

Республика илмий-ихтисослашган аллергология марказида бронхиал астманинг атопик тури, пичан иситмаси, ўткир сурункали эшак еми, Квинке шишлари ва бошқа бир қанча аллергик хасталиклар даволанмоқда. Улар устида иқтидорли ёш олимларимиз чуқур илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Шундай изланишлардан бири ўз ижобий самарасини берди. Энг оғир ва ташвишли аллергик хасталиклардан бири бўлган сурункали, холинэргик эшак емини махсус даволаш услуби жорий қилинди.

Бундан ташқари бронхиал астмани кимёвий дориларсиз даволашда шифокорларга плазмофорез, электромагнит терапия ва дори аллергенларини нафас йўлига аппарат орқали юбориш ўз ижобий самарасини кўрсатяпти. Шунингдек, бронхиал астма хасталигини лазер нури билан даволаш ҳам кенг тус олмоқда. Шулар билан бирга, марказда хизмат қилаётган ассистентлар, шифокорларнинг барчаси сан-авиация чақириғи бўйича ҳам республикамизнинг турли ҳудудларига етиб бориб ўз маслаҳатларини бериб қайтадилар. Шуни ҳам айтиш зарурки, бугунги кунда аллергология фани бўйича пухта сабоқ бериш долзарб масалалардан биридир. 1992 йилдан Туркистон ўлкаси миқёсида илк бор 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти клиникаси қошида "Клиник аллергология" кафедраси ташкил этилди.



Буларнинг барчаси "ички соҳа"даги ишларимиз бўлса, марказ "ташқи соҳа"да ҳам талайгина ишлар қилиб, кунданкун жаҳон миқёсида кўзга ташланиб бормоқда. Жумладан, Россиядан академик А. Г. Чучалин, профессор Л. А. Горячкина, Қозоғистондан профессор В. С. Мошкевич, Халқаро Нобел мукофоти лауреатлари америкалик А. Пепис ва Жон Йохонсон сингари жаҳон тан олган буюк олимлар марказ иши фаолиятига юқори баҳо беришлари фикримизнинг далили бўла олади. Яқиндагина ўз ишини якунлаган Швецияда ўтказилган жаҳон аллергологларининг XIV конгресси ва унда ўзбек олимларининг иштироки мустақиллигимиз шарофатидан нишонадир.

Ҳозирги кунда бир қатор йирик шаҳар ва мамлакатлар билан ҳамкорликда илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, янги-янги дори-дармонлар, уларни ҳаётга татбиқ этиш, киши организмига таъсир доираси ўрганилмоқда.

Умуман, ҳали аллергология фани борасида ечилиш[illegible]арур бўлган масалалар, изоҳта[illegible]воллар талайгина. Бу[illegible] барчаси биздан катта мех[illegible] масъулият талаб этади.

Озод НАЗАРОВ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош аллергологи, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Европа аллергологлари Академиясининг аъзоси.

СУРАТДА: профессор Озод Назаров (ўнгда) ҳамкасблари билан.

Қутбиддин НИЗОМОВ олган сурат.

Шатранж оламида

ОЛИМПИАДА — МАҲОРАТ СИНОВИ

Декабрь ойининг биринчи ярмида жаҳон шахмат аҳлининг бутун диққат-эътибори Москвага қаратилди. Бу ерда дунёнинг 124 мамлакатидан келган эркаклар ва 81 мамлакатдан ташриф буюрган аёл шахматчилар швейцарча усулда ўзаро баҳс юритдилар. Мусобақа Низомига кўра, жамоалар 14 тур ўйнашлари лозим эканлиги, рақиблар эса жамғарилган очколарга қараб компьютерда аниқланиши белгилаб қўйилган эди. Ҳар бир ўйин атиги тўрт тахтада олиб борилиши назарда тутилган бўлса, ҳисобда бирон-бир устунликка эришиш қийин бўлгани аниқ. Чунки эндиликда деярли барча мамлакатларда малакаси юқори шахматчи топилади.

Қуръага кўра жазоирликларни 3:1 ҳисобида енгиб вакилларимиз 31-жаҳон Олимпиадасини чаққон бошладилар, дейиш қийин. Кейинчалик гоҳ ундоқ, гоҳ бундоқ натижалар қўлга киритилиб турди. 30-олимпиада кумуш совриндорлари — Ўзбекистон вакиллари билан ҳамма жамоалар бор кучларини ишга солган ҳолда тортишишга уриндилар. Чунончи Хитой шахматчиларига 1:3 ҳисобида бой бердилар. Бироқ жамоамиз аъзолари кун сайин қўшилиб борадиган очколар сонини 50 фойиздан юқори ушлаб боришни уддаладилар.

Якунловчи 14-турда Аргентина вакилларини 3:1 ҳисобида енгиб, очколар сонини 32 тага етказдилар. Бу имкониятдаги очколларнинг ярмидан 4 очко зиёддир. Оқибатда кучли Латвия ва бошқа жамоалар вакиллари қатори 19 – 23 ўринларни баҳам кўрдилар. Бу — юзта мамлакат жамоаларидан ўзиб кетилди, демак. Олимпиада жараёнида асосий юк гроссмейстерларимиз В. Логинов, Г. Сарпер, С. Загребельний ва халқаро мастер С. Нодирхонов зиммасига тушди.

Яна бир муҳим қиёс: Ўзбекистон терма жамоаси Олимпиадада иштирок этган Осиё мамлакатлари орасида Хитойдан кейинги 2 – 3-ўринларни филлипинликлар билан баҳам кўрди. Ҳа, қитъа шахматчиларининг пешқадамларидан эканлигимиз амалда тасдиқланди.

Олимпиада ўйинларида биринчи бор қатнашган аёлларимиз 42 учрашув ўтказдилар ва 22,5 очко тўплаб (бу ҳам 50 фоиздан баланд) 81 жамоа ўртасида 24 – 33 ўринларни бўлишиб олдилар.

Беллашувлар 1992 йилги олимпиадада эришилган ғалабани такрорлаш учун жуда катта тер тўкиш кераклигини кўрсатди.

Дарвоқе, Олимпиаданинг сўнгги кунларида Мосвадаги "Космос" меҳмонхонасида 180 мамлакат уюшмаларини бирлаштирувчи Халқаро шахмат федерациясининг конгресси ўтказилиб, унда филлипинлик 67 ёшли ҳуқуқшунос Флоренсио Кампоманес яна ФИДЕ президенти этиб сайланди.

Мамажон МУҲИДДИНОВ.

• Диққат: янги премьера

КУЙГАН КЎНГИЛ НИДОЛАРИ

Кўп эшитгандан кўра бир кўрган яхши экан. Ҳозир қайси бир довруғли театр ё ҳали номи чиқмаган театр-студия қандай асарни саҳнага олиб чиқаётгани унчалик шов-шувли воқеа эмас. Шул боисми, "Муқимий"да янги спектакл қўйиляпти" дейишса, тўғриси, биз ҳам аввалига ажабланмадик. Кейин...

Сиддиқ Жўраниг "Севги нидоси" спектакли премьераси куни фақат саҳнадамас, балки залдаям томошабинларнинг кўнглида ғаройиб "томоша"лар рўй берди. Айримлар гўё асардаги икки ёш юракнинг дарду аламларига шерик эканликларини ҳамда [illegible]арнинг фожиаларини ўз [illegible]ари билан кўр[illegible]ндек қайғурдилар, ачиндилар. Тўғри, балки айтарсиз ҳам, э, бу бир томоша-да, энди, ҳаётда бошқача-ку, деб. Йўқ, биз кўпам эътибор беравермайдиган ё қўл силкиб кетадиган воқеалар бир кун келиб...

Қўйинг, яхшиси бу спектаклни бориб кўрсангиз, кейин айтасиз мулоҳазангизни. Ҳақиқий ҳакам аслида сизу биз. Муҳими, иқтидорли актёр ҳамда режиссёр Рустам Маъдиевнинг таниқли бастакор Мустафо Бафоев мусиқаси остида саҳналаштирган бу янги спектакли қисқа вақтда ўз мухлисларини топса ажабмас. Асосий ролларни ижро этган актёрлар Ҳамид Тўхтаев ва Маъруф Отажоновлар ҳам мухлисларнинг кўнглига йўл топишига ишондик.

Наргиза АЗИМОВА, Феруза МУҲАММАДИЕВА.

ТОШКЕНТДАГИ ТАШКИЛОТ

Томат пастаси, турли қиёмлар, ширин қуюлтирилган сут маҳсулотлари тайёрланадиган кўп профилли қурилмани

ХАРИД ҚИЛИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Агар керак бўлса, бу қурилмани ўрнатиб, ишга ҳозирлаб беради

Телефонлар: 45-75-67, 45-75-58
Факс: 45-75-23

Мурожаат учун манзилгоҳ: Тошкент, Фурқат кўчаси, 1-уй, 8-қават, 706-хона. Халқлар дўстлиги саройи яқинида.

"БЕШЁҒОЧ" ФИРМАСИ ЎЗ ХАРИДОРЛАРИНИ ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ

Беш-Ёғоч

Жаҳоннинг турли мамлакатлари ранг-баранг маҳсулотлари билан савдо қилувчи, шунингдек, пойтахтнинг кўпгина озиқ-овқат дўконларини энг сифатли ва сара моллар билан доимо таъминловчи фирма

Тошкентдаги омбордан қуйидаги молларни сотиб олишни

ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Форс кўрфазидан келтирилган аъло навли дуркун апельсинлар.

Польша ва Австрияда тайёрланган 1,5 литр ҳажмли яхна шарбатлар.

Янги йил дастурхонини тўкин этиш учун тотли неъматлар.

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛЛАР:

Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 165-168-уйлар (Муқимий театри яқинида)

Тел: 45-64-66, 45-82-93.

Чилонзор метро бекатидаги озиқ-овқат дўкони.

Тел: 76-13-74.

Соат 24.00

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Қуёш ҳам ботди. Тошкентнинг обод маҳаллаю, кўп қаватли даҳаларига қоронғу тушди. Одатда, одамлар бундай пайтда куни бўйи қилинган меҳнатдан кейин ором олишади. Бироқ, миршаблар иши эса ана шу чоғдан кейин янада жонланади.

ИККИСИЯМ МЕҲМОН

Пойтахтнинг темир йўл дарвозаси ҳисобланмиш Миробод туманидан хабар қилишди. Чўнтаккесарни ушлашибди. Етиб бордик. Туман тергов бўлимидамиз. Шаҳримизга бир кунда қанча киши келиб, кетади. Биров айлангани, биров зарур иш билан, яна бировлар эса тижоратни ривожлантирсам дейди.

Ҳар кимнинг ўз дарди бор. Терговчининг рўпарасида ўтирган жабрланувчи ҳам, қонун-бузар ҳам пойтахт меҳмони. Бири пулини олдирган, иккинчиси ўғирлаган. Хуллас, Шаҳрисабз шаҳридан келиб, "Қўйлиқ" бозорида харид қилиб юрган С. Шаҳлонинг ҳамёнига хиёнат қилган С. Жўра ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди. У аёлнинг 200 сўмини ўғирлашга уринганди. Тергов давомида бу йигитнинг анчадан бери ўғирлик қилиб юргани аниқланди.

ДАЙДИНИНГ ЯНА БИР ҚИЛИҒИ

МДҲ давлатларидаги иқтисодий қийинчиликлар, завод, фабрикаларнинг тўхтаб қолиши одамларнинг турмуш тарзини оғирлаштириб қўйди. Шу сабабдан бўлса керак иссиқ ўлкаларга оқиб келаётган дайдилар кўпаймоқда. Бу тоифадагиларнинг аксарияти жамият учун хавфли, олдин жиноят қилган ёки жиноятга мойил кишилар.

Қуппа-кундузи Мирзо Улуғбек туманида жиноят содир этилди. М. Горький проспекти, 62-уй олдида А. Салиманинг қулоғидаги тилла тақинчоқни кимдир юлқиб кетади. Жабрдийда қулоғини ушлаганча вой-войлаб қолди. Бирок талончи узоққа боролмади. Воқеадан хабар топган милиция ходимлари жиноятни "иссиғи"да очишди. Талончи дайди В. Сергей Красноярск ўлкасидан келган. Энди бу "меҳмон" тегишли жазосини олади.

ХОРИЖ МАШИНАСИДА "САЙР" ҚИЛДИ

Йўл-йўлакай Ҳамза тумани ички ишлар бўлимига кирдик. Туман ИИБси бошлиғининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари, милиция майори Асқар Ҳожимуродов айтиб қолди.

— Ҳозиргина автоуловни олиб қочиш билан боғлиқ жиноятни очдик.

Терговчи Содиқ Норқўзиевнинг хонасидамиз. — Қонунбузар аввал ҳам жиноятга қўл ур ан, — дейди у. Ҳали тергов ишлари давом этаётгани учун исм-шарифини айтмаймиз. У Ҳамза туманидаги 3-Латофат тор кўчасида турган, Хорижда ишлаб чиқарилган "Авиа" русумли машинани ўғирлаб қочади. Устига-устак у маст эди. Бу ҳақда тезда милицияга хабар берилди. ДАН ходимлари билан ҳамкорликда машина "ишқибози" тўхтатилди. Баҳтли тасодиф туфайлигина ҳеч кимга шикаст етмади.

У қилмишидан пушаймон. Аммо энди кеч.

СИРҒАЛИДА НИМА ГАП?

Рация орқали Сирғали билан боғландик. У ерда нима гап? Сиз учун зўр факт бор дейишди. Йўлга чиқдик.

Терговчилар кеч бўлса-да ҳали уйга қайтишмаган. Иш қизғин. Андрей ва Ирисбекнинг эса бошлари ҳам. Ҳеч қаерда ишламайдиган бу икковлон ҳам ўғирликни бойлик орттиришнинг манбаи, деб тушунишибди. Шу мақсадда Сирғали-7 мавзесида яшовчи муҳандис А. Нинанинг уйига тушишади. Ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб бемалол ишни битиришади. Андрей музлатгични очса унда "Когор" виноси билан "Столичний" ароғи турибди. Андрей оқидан бир стаканни уриб олади.

Икковлон йўлакдан шошиб-пишиб юриб боришарди. Тундаги оғир юкли кишиларнинг ҳаракатлари милиция ходимларида шубҳа уйғотди. Тўхтатиб, текшириб кўришса, жомадонлардан ўғирлик моллари-тилла тақинчоқлар, биллур идишлар, видеомагнитафон, хорижда ишланган телефон аппарати, аёллар кийимлари чиқди.

"ОШИҚЛАР" ВА УЛАРНИНГ...

Юнусобод туманидаги мавзелардан бирида истиқомат қилувчи нафақахўр Люся холани кўрган киши тарбияли, хушфеъл деб ўйлайди. Аслида ҳам шундайми? Бир ўзи прописка қилинган Люсянинг уйида меҳмонлар кўп бўлади. Бир кечалик "ошиқ-машуқ"ларнинг у ишончли хомийси. Олдиндан огоҳлантириб қўйилса бўлди. Хоҳлаган пайтида эшик очиқ. Ароқми, виноми бисёр. Фақат пулини тўлашса бас.

Рейддан қайтяпмиз. Соат тунги уч. Фақат белига "02" рақамлари тушириган машиналаргина у ёқдан-бу ёққа қатнаб, назорат қилиб юришибди. Шаҳар ширин уйқуда. Милиция эса кишилар сокинлигини таъминлаб турибди.

Мирза АБДУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар ИИББ матбуот гуруҳи нозири, милиция катта лейтенанти.

Ғаройиб дунё

МИХ УСТИДА

НОРВЕГИЯЛИК спортчи ўзига хос рекорд ўрнатди. У чананинг ўтирадиган жойига учини юқорига қаратиб 270 та олти дюймовкали (1 дюйм — 25,5 мм) мих қоқиб, михлар учига бел ва кураги билан яхшилаб ўрнашиб олди ва чана спорти ўрказиладиган слалом трассасидан пастликка шўнғиди. Шу йўсинда бир километрлик масофани бир дақиқада босиб ўтди.

Ажабланарлиси шундаки, "сеҳргар"нинг белига ақалли бирорта михнинг учи кирмабди. Бунга уч мингга яқин томошабин гувоҳ бўлди.

ТОҚҚА ЧИҚИШ ЧЎТ ЭМАС

ҒАРБИЙ Овруподаги Монблан чўққиси ишқибоз ва профессионал алпинистлар томонидан неча марта ишғол этилганлигини санаб бериш қийин. Кейинги йилларда рекорд характерини ўзгартирди. Гап шундаки, энди Монблан чаққонларни кўпроқ ёқтириб қолди.

Франциялик бир қурувчи чўққини қисқа вақт ичида ҳеч қандай махсус кийим ва ёрдамчи асбобларсиз ишғол этишини маълум қилди. Унинг оёғида оддий тоғ ботинкаси, қўлларида эса оддийгина чанғи ҳассаси бор эди, холос. Альпинист тоғ остидаги Шамони шаҳрининг марказидан старт олди ва олти соату 15 дақиқа-ю 21 сония ўтганда эсономон қайтиб тушди. Бу натижа — аввалгисига нисбатан 7 дақиқа тездир.

ЧЎҚҚИЛАР ЧОРЛАЙДИ...

Ингрид Байенс бельгиялик аёллар орасида Эверест чўққисини ишғол этган биринчи аёл ҳисобланади. Эверестни забт этган жаҳон аёллари рўйхатида эса унинг номи 14-ўринга тирмалди. Ингрид Байенс учун Эверестни забт этиш жуда қимматга тушган. У 1987 йили бу чўққига чиқиш учун синов пайтида ҳамроҳлари — эридан ва машҳур альпинист Вим Вербистдан айрилган (ҳалок бўлишган). Бир йил ўтгач, Ингрид яна чўққига йўл олди. Бироқ денгиз сатҳидан 8848 метр баландликда бўлган чўққига 150 метр қолганда... Ингриднинг пастга қайтишдан бошқа иложи қолмади, очиғи, чўққига кўтарилишга кучи етмади. Ва ниҳоят, мана энди у забт этди. Рўзномаларда ёзишларича, Эверестни забт этиш учун ҳаракат кўпинча фожиа билан тугайди. Жумладан, унга чиқмоқчи бўлган альпинистларнинг ҳар учдан бири ҳалок бўлган, яъни шу кунгача 300 дан ортиқ альпинист Эверестга чиққан бўлса, шундан юз нафари шундай фалокатга йўлиққан.

***

Америқолик кўзи ожиз Жоан Фелпс 54 ёшда донг таратди. Аммо унинг номи дунёга танилмай ўтиб кетиши мумкин эди, агарки, иккала кўзи ҳам кўр бўла туриб, тоғ чўққисига чиқмаганида.

У 29 ёшли эгизак ўғиллари билан (арқон ёрдамида) Аляска тоғининг 6 минг метрли чўққисини забт этди.

***

Монблан чўққисини тарихда биринчи марта 7 яшар қизалоқ Валери Шварц забт этди. Тўғри, у якка эмас, балки табиб отаси ҳамроҳлигида ушбу натижага эришди. Бироқ отаси фақат бирга юрди холос, ёрдам бермади. Бу Валерининг тоққа биринчи марта чиқиши эмас, у 5 ёшлигида 3940 метр баландликдаги чўққини ҳам забт этган эди.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаш[illegible] аппарати жамоаси Ўзбеки[illegible] ХДП Сирдарё вилоят к[illegible] иккинчи [illegible]кс Ж.Матқурбоновга онас[illegible] **Равия ҚЎЧҚОРОВА** [illegible] вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбарияти ва шахсий таркиби республика Мудофаа вазирининг ўринбосари, полковник Б.Э.Қосимова отаси **Эргаш ҚОСИМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 32-53-15.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими — 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Жиззахда — 3-31-86; Нукусда — 7-58-83; Самарқандда — 35-22-90;
Бухорода — 3-54-87; Навоийда — 3-74-76; Қаршида — 3-25-79; Урганчда — 6-51-35;
Гулистонда — 2-26-22; Наманганда — 6-43-43; Қумқўрғонда — 52-624; Фарғонада — 26-37-16.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А – 2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.00. Г – 1276, 72841 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи М. ҚИЁМОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41 - уй.

1 2 3 4 5 6.